

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК:339,5 (519)

ББК: 65,9 (5коо)

T-91

Турсунбоев Олимжон Боходирович

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИ
ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ ОШИБ
БОРИШИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ ТАҲЛИЛИ

5А 341401– Корейшунослик

“магистр” академик даражасини олиш учун
ёзилган диссертация

Илмий раҳбар:
доц.Муминов Н.Г.

Тошкент – 2012

Магистрлик иши ҳимоясига рухсат берилди

Магистратура бўлим бошлиғи

доц.А.Хабибуллаев

РЕЖА

КИРИШ	4
I БОБ. КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНING ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ ЖАРАЁНИ	
1.1. Корея Республикасининг ХХР ва Япония билан муносабатлари	11
1.2. Корея Республикасининг АСЕАНдаги иштироки ва унинг АСЕАН билан муносабати	15
1.3. Корея Республикасининг ОТРдаги роли	8
II БОБ. КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТИНИING РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИING АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ	
2.1. Корея Республикаси иқтисодиётида илғор технологияларни ўзлаштириш.	6
2.2. Корея Республикаси иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларини жалб қилиш борасидаги давлат сиёсати.	12
III БОБ. КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНING ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИ ВА УНИING ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРИ	
3.1. Корея Республикасининг ташқи савдо структураси таҳлили.	8
3.2. Корея Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги савдо- иқтисодий муносабатлар	5
3.2. Навоий Эркин индустриал-иқтисодий зонасининг ташкил этилиши ва ривожланишида Корея Республикаси иқтисодиётининг иштироки	7

ХУЛОСА	8
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	3
Илова	

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, халқаро иқтисодий муносабатлар тизими ва жаҳон хўжалигига чуқурроқ кириб боришга интилмоқда. Ҳозирги кунда жаҳондаги иқтисодий муносабатларда глобаллашув жараёни тобора кучайиб бормоқда. Бу борада Президентимизнинг «...тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди. Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим – Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади» деган сўзларини яна бир бор эсга олиш муҳимдир. Шунингдек, дунёнинг йирик, жадал иқтисодий ривожланаётган мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларини кенгайтириш, “...экспорт қилинадиган маҳсулотларимиз таркибини ва умуман, ташқи савдо айланмасини янада диверсификация қилиш долзарб масала бўлиб қолмоқда”.

Танланган мавзунинг долзарблигини яна қуйидаги жиҳатлари орқали асослаш мумкин:

Биринчидан, жаҳон хўжалиги тараққиётида ўзига хос ўринга эга мамлакатлардан бири Корея Республикаси ҳисобланади. Корея Республикаси XX асрнинг иккинчи ярмидаги иқтисодий муваффақиятлари билан жаҳон хўжалигининг ривожланишига катта ҳисса қўшган мамлакатлар қаторига киради. Корея Республикаси эришган иқтисодий муваффақиятлар шубҳасиз эллик йилдан ортиқроқ вақт давомида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳатлар натижасидир. Мана шу муваффақиятлар натижаси ўлароқ Корея Республикаси бугунги кунда жаҳон хўжалигининг ажралмас бир бўлаги сифатида фаолият кўрсатмоқда, халқаро меҳнат тақсимоотида ва жаҳон иқтисодиётида ўз ўрнига эга.

Иккинчидан, Корея Республикаси йирик индустриал мамлакат бўлгани боис, иқтисодиёт тараққиётининг асосий мақсади дунёда саноат ишлаб чиқариш даражаси бўйича етакчи ўринларни эгаллаш ҳисобланади. Шу билан бирга иқтисодий қолоқликни бартараф этиш, ялпи ички маҳсулот миқдорининг умумий ҳажми ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган

миқдорини ошириш мақсадида иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларни сақлаб туриши лозим.

Учинчидан, халқаро айирбошлашнинг таркибий тузилиши сезиларли даражада ўзгарди; мамлакатлар маҳсулот айирбошлашдан ташқари турли хил хизматлар, молия капитали, ишчи кучи, фан-техника ахборотлари, яъни технологиялар, бошқарув усуллари ва бошқалар билан фаол савдо-сотик олиб боришга ўтди.

Тўртинчидан, капитални четга чиқаришнинг кучайиши ва мамлакатлар ўртасида айирбошлашнинг кенгайиши замонавий халқаро иқтисодий муносабатларнинг мамлакатлараро уйғунлашувига олиб келди.

Бешинчидан, халқаро иқтисодий муносабатларнинг ҳозирги босқичида яна бир муҳим хусусият, яъни айирбошлашда мамлакатлар тутган ўрнининг қайта тақсимланиш жараёни кучаймоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шароитида Корея Республикаси иқтисодиётини ҳолати ва уни ривожлантириш йўналишлари, инқироз таъсирини юмшатиш жиҳатлари, жаҳон иқтисодиётини барқарорлашувига Корея Республикаси иқтисодиётининг аҳамияти масалаларини ўрганувчи илмий изланиш олиб бориш зарурати туғилди.

Илмий изланишнинг мақсади ва вазифалари. Магистрлик диссертациясининг асосий мақсади Корея Республикасининг жаҳон хўжалиги тизимидаги ўрни ва аҳамиятини комплекс таҳлил этишдан иборат.

Бу мақсадга эришиш йўлида илмий изланиш олдида қуйидаги вазифалар қўйилди:

- жаҳон хўжалиги тизими ва унинг таркибининг назарий асосларини таҳлил этиш;
- жаҳон хўжалиги тизимига таъсир этувчи омилларни гуруҳлаштириш;
- Корея Республикасининг иқтисодий ривожланиш модели хусусиятларини ўрганиш;
- Корея Республикаси иқтисодиётининг таркиби ва ривожланиш динамикасини ўрганиш;
- Корея Республикаси иқтисодиётида хорижий капиталнинг ўрнини таҳлил этиш;
- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини Корея Республикаси иқтисодиётига таъсир даражасини таҳлил этиш;

- Корея Республикасининг Ўзбекистон Республикаси билан иқтисодий ҳамкорлигини такомиллаштириш йўналишларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг назарий методологик асоси бўлиб иқтисодиёт назарияси адабиётлари, Корея Республикаси иқтисодиёти бўйича яратилган махсус илмий ишлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарлари хизмат қилади. Шунингдек, “Хитойшунослик ва корейшунослик” кафедрасининг илмий адабиётларидан фойдаланилади.

Тадқиқод жараёнида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг йиллик ҳисоботларидан фойдаланилади. Диссертация ишида умумлаштириш ва таҳлил, индукция ва дедукция, математик усуллар ва графиклар воситасида изоҳлаш, статистик таҳлил, маълумотларни гуруҳлаштириш каби услублардан фойдаланилди.

Магистрлик диссертация тадқиқотининг объекти - Корея Республикасининг иқтисодиёти ва унинг асосий тармоқлари хизмат қилади.

Магистрлик диссертация тадқиқотининг предмети - Корея Республикаси иқтисодиётининг ривожланиш даражаси ва ундан оқилона фойдаланиш жараёнлари бўлиб, уларга таъсир кўрсатувчи ижтимоий-иқтисодий омилларни бозор муносабатлари ва бозор механизми билан боғлаб ўрганишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

- Корея Республикаси иқтисодиётининг жаҳон ҳўжалиги тизимидаги ўрни ва аҳамияти ошиб боришининг асосий омиллари таҳлил этилди;
- Корея Республикасининг иқтисодий ҳамкорлари ва уларни таркиби ўрганилди;
- Корея Республикасининг Ўзбекистон Республикаси билан иқтисодий ҳамкорлигини такомиллаштириш йўналишлари бўйича амалий тавсиялар берилди.

Ишнинг амалий аҳамияти — илмий иш алоҳида мамлакатнинг жаҳон савдо тизимида интеграцияси, ташқи савдосини ривожлантириш, хорижий капитални жалб этиш, экспорт ва импорт сиёсатини такомиллаштиришга оид муаммоларини ҳал этишга қаратилгандир. Ушбу илмий ишдан «Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар» фанини ҳамда “Корея Республикаси иқтисодиёти” каби махсус курсларни ўқитишда ва амалиётда фойдаланиш мумкин.

I БОБ. КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ ЖАРАЁНИ

1.1. Корея Республикасининг ХХР ва Япония билан муносабатлари

XXI асрга ўтиш даврида Жанубий Кореянинг интеграцион жараёнларда фаол қатнашишга интилиши кўп жиҳатдан бутун жаҳон иқтисодиёти, шу жумладан Жанубий Корея иқтисодиёти учун ўта аҳамиятли бўлган Осиё-Тинч океан (ОТО) регионида содир бўлаётган ўзгаришларга ўзининг иштирокини мувофиқлаштириб олиш заруратидан келиб чиқади. ОТО даги интеграцион жараёнларнинг янги босқичи Шарқий Осиё мамлакатлари ўрталаридаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг тараққиётидаги миқдор ва сифат ўзгаришлари билан боғлиқдир. Бундай ўзгаришларнинг ижобий томонларини қўллашга бўлган интилиш ва ҳозирги даврда салбий кучлар таъсирининг олдини олишга ҳаракат қилиш Жанубий Корея регионида олиб бораётган ташқи иқтисодий стратегияси устун эканлигини белгилаб беради.

Ўтган аср 90-йилларининг биринчи ярмида корейлик ва бир қатор ғарблик экспертлар ўртасида Шимоли-Шарқий Осиё мамлакатлари муносабатларидаги истикбол хусусида ишончсизлик кенг тарқалган эди. Региондаги ҳамкорликнинг тараққий этишига тўсқинлик қилувчи салбий омиллар қаторига шу ерда жойлашган давлатлар тараққиётидаги вужудга келган каттагина табақаланиш, шу мамлакатлар ўртасидаги институционал фарқлар, бирор-бир мамлакат путур етказа олмайдиган даражадаги Япониянинг иқтисодий жиҳатдан якка ҳокимлигининг сақланиб туриши кабилар киритилган эди. Маълум даражада бу муаммолар ҳозирга қадар мавжуд. Шу билан бирга Хитойнинг ислохотлар йўлидан илдамлаб бориши, шу жумладан у ердаги чуқур институционал ислохотлар натижаларининг намоён бўлаётганлиги, натижада эса жаҳон иқтисодиётида етакчилардан бирига айлана бориши ва бир-бирларига қўшни давлатларнинг яқинлашувига янги шароитларни яратиб берган.

Шимоли-Шарқий Осиёдаги ҳамкорликнинг интенсивланиши кўп даражада 90-йилларда савдо, инвестицион ва технологик алоқаларнинг икки тарафлама фаоллашувига, биринчи навбатда Жанубий Кореянинг Катта Хитой (қитъадаги Хитой ва Гонконг) ва Япония билан ўзаро муносабатларининг жадаллашувига имкон берган.

Кейинги ўн йилликлар давомида ХХР нинг Жанубий Корея иқтисодиётига ўтказаётган таъсирининг тобора ўсиб бораётганлиги кўзга яққол ташланмоқда. Бу таъсир кучига бир томонлама изоҳ бериб бўлмайди, чунки рақиб қўшинининг иззат-нафси Жанубий Корея манфаатларига туртки бўлади, бироқ шу вақтнинг ўзида Хитойнинг катта ҳажмдаги бозорининг кенгая бориши Жанубий Корея бизнеси ўсиши учун янги имкониятлар очиб беради. 90-йиллар давомида Катта Хитой Жанубий Кореянинг етакчи ташқи савдо шерикларидан бирига айланиб қолган ва у билан товар айланмасининг ҳажми 2000 йилга келиб 43,5 млрд. долларгача кўпайган ва энг эҳтиётлик билан қилинган прогнозларга кура 2015 йилга келиб 100 млрд. долларга етиши мумкин. Шу билан бирга, икки томонлама савдода барқарор равишда ижобий балансга эга бўлиб турипти ва унинг жам қилингандаги миқдори 1994-2000 йилларда 90 млрд. долларни ташкил қилган. Жанубий Корея ишлаб чиқарувчиларининг телекоммуникацион жиҳозлари, электроника воситалари, автомобиллари, юқори сифатли пўлати Хитой бозорига илдам кириб боришга имкон берган.

Шу билан бирга, иқтисодиёти юқори даражада ривож топаётган Хитой экспортининг ўсиб бориши суръати Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган куп меҳнат талаб қилувчи товарларини хорижий мамлакатлар бозоридан сиқиб чиқарилишига олиб келади. Бунда, шубҳасиз, 1994 йилдаги юаннинг 30% га девальвация қилинганлиги билан боғлиқ нарх омилининг таъсири ҳам ўз кучини кўрсатмоқда. Аммо Хитойнинг ташқи иқтисодий экспансияси муваффақиятининг асосий сабаби, аввало унинг иқтисодий кўрсаткичларининг сифати, яъни маҳсулотнинг истеъмол талабининг ошиши билан бирга таннархининг тушиши, товар экспорти таркибининг оптималлаштирилиши, маркетингнинг яхшиланиши ва шу қабила билан боғлиқдир. Натижада 90-йилларнинг охирларидан Жанубий Корея компаниялари эндиликда Хитойнинг узоқ вақт истеъмол қилинадиган товарларини, кимёвий маҳсулотларни, бошқа саноат товарлари ишлаб чиқарувчиларнинг тазйиқларига бардош беришга тўғри келмоқда.

Бундай шарт-шароитларда Жанубий Корея тобора кенгайиб бораётган ички бозорга эга бўлган ва саноат қудрати тобора ўсиб бораётган ислохотлардан кейинги хитойнинг динамик ўсишини юқори технологик тармоқларнинг жадаллик билан ўсиши ва Жанубий Корея иқтисодиётини фаол қайта тузиш фойдасига бўлган кучли далил сифатида кўрмоқдалар.

«Қудратли рақиб билан ёнма-ён яшаш» шиорига амал қилган ҳолда Жанубий Кореяда қўшни фойдасига ўзининг янги саноат маҳсулотини қурбон қилишга рози бўлиб, информатика, телекоммуникация, биотехнология ва маиший химиянинг жадаллик билан тараққий этиши Хитой вақти келиб бозордаги бўш ўринларни эгаллаб олишга умид қилмоқдалар.

Япония Жанубий Корея товар айланмаси 52,4 млрд. долларни ташкил қилади ва у янада ўсиш имкониятларига эга. Ва, ниҳоят, «шимолий осийё учбурчаги»нинг учинчи тарафини Япон-Хитой савдо алоқалари шакллантириб, унинг ҳажми 2001 йилда 80 млрд. долларга яқинлашган ва ўн йилликнинг охирларига келиб икки марта ошиши мумкин.

Жанубий Корея Японияда содир бўлаётган иқтисодий жараёнларда ўзининг боғлиқлигини сақлаб турипти. 90-йилларнинг ўрталарига келиб иенанинг заифлашганлиги Жанубий Корея товарларининг япон бозоридаги рақобатдошлигини анчагина заифлашувига ва икки тарафлама савдода тақчилликнинг сезиларли даражада ўсишига олиб келган, у 1994-2000 йилларда 80 млрд. долларни ташкил қилган. 2000-2001 йилларда Япония валюта курсини бир долларга 130 иена даражасида ушлаб туриш сиёсати Жанубий Корея экспорт қилувчиларига салбий таъсир ўтказишда давом этмоқда.

Савдодаги камчиликларнинг олдини олиш ва етакчи шериклар билан ўтказиладиган ўзаро муносабатларга нисбатан барқарорликка ва эртанги кун учун хотиржамликка эришиш учун, Жанубий Корея қоидалари жуда ҳам қатъий қилиб белгиланмаган доиралар билан чекланган битимларни жорий этишни назарда тутадиган «очиқ регионализм» деб номланган интернационал жараёнларга, тарафларнинг мажбуриятлари аниқ-пухта белгилаб қўйилган бирмунча расмийлаштирилган шартномаларни имзолашга ўтиш ғоясига мойил бўлмоқда. Жанубий Корея президенти Ким Дэ Чжуннинг 1998 йилдаги Японияга қилган сафари чоғида пайдо бўлган икки давлат ўртасида эркин савдо зонасини шакллантириш ғояси ҳар икки мамлакат иқтисодиёти ривожига ижобий таъсир кўрсатмай қолмайди.

Давлатлараро мулоқотларнинг шундай фаоллашувидан кейин Япония ва Жанубий Корея учун эркин савдо зоналари мақомини берувчи ҳужжатларнинг имзоланишига олиб келмаган бўлса ҳам, икки тарафлама хўжалик алоқаларининг янгиланиши ва ривожланиши бўйича қулоқ ёя бошлаган иш шу икки давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатларни

регламентлаб қўювчи бир қатор муҳим ҳужжатларнинг имзоланишига олиб келган. Хусусан, Токио билан Сеул меҳнат ва молия муносабатларидаги низоларни тартибга солиш шартлари бўйича битимларни имзолаганлар.

Жанубий Кореяда 2001 йилнинг декабрида икки мамлакат ўртасида капитал ва фонда ҳаракатланишини енгиллаш-тирилган режимининг жорий этилишини назарда тутувчи икки томонлама инвестиция битимнинг имзоланиши алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу Корея Республикасининг бошқа мамлакатлар билан тузган шундай мазмундаги биринчи ҳужжати бўлиб, унинг 2002 йилда кучга кириши назарда тутилган эди. Ушбу ҳужжат шерик давлатнинг инвестициясига миллий инвестиция мақомининг берилишини қайд этади ва хорижий сармоя эгаси бўлган сармоядорларнинг манфаатларини юридик жиҳатдан кафолатланишини таъминлашга хизмат қилади. Шартномада инвестиция бўйича халқаро арбитражга устуворлиги мустаҳкамлаб қўйилади. Мазкур битим мудофаа-саноат мажмуаси, киноиндустрия, оммавий ахборот воситалари, балиқ саноати ва бир қатор қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидан ташқари, иқтисодиётнинг барча тармоқларига жорий этилади.

Шартномани имзолаш билан Жанубий Корея бир неча мақсадларга эришишга умид боғлайди. Улардан бири яққол кўриниб турибди - бу Жанубий Корея иқтисодиётига йирик япон сармояларининг кириб келиши учун зарур бўладиган қулай шарт-шароитларнинг яратиб берилишидир. Жанубий Кореянинг Японияга қилган барча инвестициялари 730 млн. долларни ташкил қилди холос ва уларнинг яқин орада сезиларли даражада ортишини кутиш ҳам қийин. Аксинча, Япониядан Корея Республикасига 1962-2002 йилларда қўйилган сармоялар миқдори 11,3 млрд. долларни ташкил қилган, ёки Жанубий Кореяга қилинган жами инвестицияларнинг 15% дан иборат бўлган. Жанубий Корея ҳукумати мамлакатга япон капитали оқимини фаоллаштиришни кўзламоқда.

Катта миқдордаги япон инвестициялари Жанубий Корея саноатини, биринчи навбатда машинасозликни модернизациялаш учун зарурдир. Айнан Жанубий Корея учун машинасозлик маҳсулотлари айирбошлашдаги салбий сальдо Япония билан савдода сурункали тақчилликни юзага келтиради ва бу кўрсаткич 2001 йилга келиб 14,3 млрд. долларга етган. Япония иштироки билан ташкил этилган пировард ва оралиқ машинасозлик маҳсулотларининг сифати ва техник даражасининг юксалиши шу маҳсулотнинг ички ва ташқи

бозордаги сотилишини ўсишига олиб келиши даркор. Бу жараён савдодаги номутоаносибликнинг озайишига ва иқтисодиёт тармоқларининг кўтарилишига имкон беради.

Шу билан бирга, Корея Республикасида Япония билан бирмунча кенгрок кўламдаги инвестиция битимлари имзоланиши масаласи кўриб чиқилмоқда. Жанубий Корея Ташқи ишлар министрлигида уни «Шимолий Осиёдаги барча мамлакатларни қамраб олувчи минтақавий интеграциялашув жараёнининг бошланғич нуқтаси», деб ҳисобламоқдалар. Токио билан ўзаро муносабатларни изга солиб юбориш билан Сеул, биринчидан, истиқболли Хитой бозоридаги ўзининг иқтисодий иштирокини муваффақият билан кенгайтириб олишга, иккинчидан, Жанубий Корея, Япония ва Хитой иштирокидаги минтақавий иқтисодий иттифоқ барпо этиш учун мувофиқлашган сиёсатни ишлаб чиқишга интиломоқда. Шунинг учун Сеулда Япония билан Жанубий Корея ўртасида имзоланган инвестиция соҳасидаги ҳамкорлик ҳужжатини бундан эллик йил аввал Европа интеграциясининг замини бўлиб хизмат қилган Европа кўмир ва пўлат бирлашмасининг яратилиши билан таққосламоқдалар.

1999 йилдан бошлаб Япония, Хитой ва Корея Республикалари давлат бошлиқлари ва ҳукуматлари раҳбарлари даражасидаги йиллик учрашувлар ўтказиб турилмоқда ва уларда иқтисодий муаммоларнинг ечимини излашга эътибор қаратилмоқда. 2000 йилда уч давлат раҳбарлари уч мамлакатдаги илмий институтларнинг кучларидан фойдаланган ҳолда минтақавий интеграция тараққиёти истиқболлари тўғрисида биргаликдаги тадқиқотларни ўтказиш ва тегишли тавсияларни ишлаб чиқиш тўғрисида келишиб олганлар. 2001 йилдаги Брунейда бўлиб ўтган учрашувда Жанубий Корея Президенти Ким Дэ Чжун, Япония Бош вазири Коидзуми ва ХХР Давлат кенгаши Бош вазири Чжу Жунцзи, кўплаб кузатувчилар учун кутилмаганда уч мамлакат иқтисодиётини бир-бирларига жадаллик билан яқинлаштиришга қаратилган муҳим битимларга эришганлар. Бу воқеликнинг натижаси, шубҳасиз, биргина жаҳон иқтисодиётигагина эмас, оалки уч давлатларнинг узок шарқдаги қўшнилари иқтисодиётига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қўймайди.

Уч тарафлама ҳамкорликни одатдаги иш даражасига ўтказганлар, ўз мамлакатларининг иқтисодиётлари учун жавоб берувчи министрларнинг учрашувларини 2002 йилдан бошлаб мунтазам ташкил этишга келишиб олганлар. Министрларга тарафлар билан бўладиган савдо муносабатларидаги

юзага келиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олиш чораларини қўллаш ва савдони бундан кейин ҳам янада эркинлаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш топширилган. Жанубий Корея, Хитой ва Япониянинг Бутунжаҳон савдо ташкилоти (БСТ) доираларида олиб бориладиган музокараларидаги тутадиган позицияларини келишиб олишнинг мақсадга мувофиқлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Хусусан, уч мамлакат товарларнинг халқаро миқёсда стандартлаштиришдаги ўзларининг ролини кучайтиришни, бунинг ҳисобидан савдо операцияларини бошқариб, тартибга солиб туришнинг самарали усуллардан бирини назорат остига олишни режалаштирмоқдалар.

Инвестиция оқимининг эркинлаштирилиши 90-йилларда спекулятив капиталларнинг бир ердан иккинчисига ўтказилишини кучайтирган. Япония, ХХР ва Корея Республикалари Молия министрларига халқаро молия тизимини барқарорлашуви муаммолари ечимини излашга диққатни жалб қилиш тавсия этилган. Истиқболда макроиқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишларини мувофиқлаштириш имкониятлари муҳокама қилинади, гарчи яқин ўртада бунга эришишнинг имкони деярли бўлмаса ҳам.

Бундан ташқари, президент Ким Дэ Чжуннинг таклифини Хитой ва Япония раҳбарлари қабул қилган бўлиб, бунга кўра давлатлар даврасида уч мамлакат тадбиркорлари ва ишбилармонлик ассоциацияларининг асосий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган уч тарафлама иқтисодий ҳамкорликнинг долзарб масалаларини муҳокама қилиш учун йиллик форум ўтказишга келишиб олинди.

Уч мамлакат раҳбарлари юқори технологик тармоқларнинг тараққий этишига кўмак берадиган устувор йўналишга эга бўлган мақсадлар ичидан, шу жумладан информатика ва телекоммуникацияларнинг ўсишига имкон берадиган соҳаларни, шунингдек, инсон потенциалини (Хитой учун айниқса яқин бўлган мавзуни) ва атроф муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқишни ва амалга оширишни ажратиб олганлар. Бироқ, буларнинг барчаси стратегик ҳамкорликнинг умумий ғояларини белгилаб берадиган дастлабки чизгилар эди.

Сирасини айтганда, тарихий ўтмишдан қолган оғир ме-росларни ва мавжуд сиёсий келишмовчиликларни уч мамлакат раҳбарлари ўзига хос бўлган шарқий осиеча усул, яъни умумий бозорини қайта тиклаш йўли билан ҳал этмоқчи бўлдилар. Бунга 90-йиллардаги минтақавий савдо-иқтисодий

алоқаларнинг гуркираб ўсиши туртки берган. Биргаликда қилинган ҳаракат туфайли барча тўсиқлар аста-секинлик билан олиб ташлана бошланди. Бу эса минтақавий савдо, инвестицион ва илмий-техник алмашинувга қўшимча қудратли туртки, қолаверса Япония, Хитой ва Жанубий Кореянинг узок муддатни кўзлаган манфаатларига жавоб берган бўлар эди. Куч-қувват орта боргани сари интеграциялашув жараёни иқтисодий ўсишни рағбатлантира боради. Ҳозирда мавжуд бўлган тахминларга қараганда Шимоли-Шарқий Осиёнинг ишлаб чиқараётган миқтақавий маҳсулоти жаҳон ЯИМда тутган улуши 1990 йилдаги 16% дан 2010 йилда 27% га етади ва унинг асосий улуши «учлик»ка тўғри келади. Шу билан бирга, шу мамлакатларнинг ҳар бири ўзининг ички бозор талабини қондиришни ҳам унутмайди.

Кейинги ўн йил мобайнида турғунлик ҳолатини бошидан кечираётган Япония экспортни кўпайтириш учун қўшимча имкониятни қўлга киритади, бу эса ўз иқтисодиётини кўтариш демакдир. Бундан ташқари, турғунлик ҳолатида турган ишлаб чиқаришнинг бир қисмини Хитойга ва Жанубий Кореяга ўтказар экан, Япония бизнеси жаҳон иқтисодиёти тараққиётининг ҳам ривожланиб кетишини белгилаб берадиган энг истиқболли йўналишларга қаратилиши имкониятларини қўлга киритади.

Минтақавий интеграциялашув билан боғлиқ улкан режаларни Хитой ҳам ишлаб чиқмоқда. Эркин савдо зоналарининг барпо этилиши Хитой товарларининг ташқи бозорга кириб боришини барқарорлаштиради. Бундан ташқари, Пекин Япониядан ва Жанубий Кореядан капитал ва технологияларнинг кўпроқ кириб келишига бежиз кўз тутаетгани йўқ. Бундан кўзланган асосий мақсад бор эди. Узок вақт мобайнида Хитой бирор-бир иқтисодий гуруҳларда, бошқа давлатларнинг иқтисодий ҳамкорликка даъватларига биринчи навбатда Америка таъсиридан хавфсираганлиги туфайли иштирок этишдан ўзини четга олиб келган. Энди эса Пекиннинг ташқи иқтисодий сиёсатида катта ўзгаришлар содир бўлмоқда.

2001 йилда Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб кирган ХХР Шарқий Осиё давлатлари билан иқтисодий жиҳатдан яқинлашувни фаоллаштириб юборди. Бу билан Хитой шарқда шаклланиб келаётган қудратли иқтисодий гуруҳнинг асосий меъморларидан бири бўлиб қолишга урунмоқда, чунки бу гуруҳ ХХР учун ички ислохотларни амалга ошириш ва экспортга мўлжалланган ишлаб чиқаришнинг тутган мавқеларини мустаҳкамлашга имкон беради. Пекин бундан кейин ҳам жаҳон бозоридаги

ўйин қоидаларини белгилаб берадиган асосий кучлардан бири бўлиб қолаверади.

Сеулнинг минтақада тутган ўрни ўзига хос бўлди. ХХРга кўп меҳнат талаб қиладиган товарларни ишлаб чиқаришни деярли ҳаммасини берган Жанубий Корея Япония билан бирлашиб юқори технологик тармоқларни кенг кўламда тараққий эттиришга интиломда. Жанубий Корея ўзининг географик жihatдан қулай жойлашганлигидан унумли фойдаланиш ниятида. Жанубий Корея иқтисодиёти жаҳон хўжалиги тараққиётининг энг истиқболли марказларидан бири бўлиб қолмоқда ва унинг олдида турган энг муҳим вазифаларидан бири тараққиётнинг мазкур юқори нуқтасини сақлаб туриш мақсадида ушбу устунликдан имкон қадар кўпроқ фойдаланиб қолиш эди.

Жанубий Кореянинг ихтисослашувида аста-секинлик билан янги соҳалар кириб келиб, ўзгариш рўй бера бошлади. Унинг ташқи иқтисодий оламда тутган мавқеини ташқи бозорга қаратилган юқори даражали технологик ишлаб чиқаришлар (информацион технологиялар, информатика) ва тобора логистика, транспорт, туризм кабилар белгилаб боради.

Жанубий Кореянинг воситачи сифатидаги ролининг орта боришига ташқи сиёсий омиллар ҳам имкон яратди. Пекин билан Токио қўшниларида ҳаддан ташқари ташқи сиёсатнинг фаоллашиб кетишидан чўчиган ва шу билан бир вақтнинг ўзида, бир-бирларига нисбатан ўзаро ишончсизлик кайфияти сақлаган ҳолда, Шарқий Осиёда ижобий халқаро обрўга эга бўлган Сеулга навбати билан интеграцион жараёнларнинг курашчиси ролини бўшатиб берди. Ҳозирги даврда гегемонликка интилиш билан ўзгалардан фарқланиб турмаган, шу билан бирга, СССР ва ХХРнинг АҚШ билан совуқ уруш давридаги қарама-қаршиликлари ва колониализмнинг барча ранго-ранг оқибатларини ўзининг бошидан кечиришга мажбур бўлган мамлакатнинг ижобий образи ҳам муҳим роль ўйнаган. Жанубий Корея икки иқтисодий гигантнинг эҳтиёткорлигидан фойдаланиб қолган ва ўз зиммасига бутун Шарқий Осиё минтақасини камраб оладиган интеграция ғоясининг йўлбошчиси ролини олган.

Ҳозирги босқичда Корея Республикаси минтақавий халқаро муносабатларни конструктив ҳамкорлик изига солиб юбориш ташаббусқори бўлиб чиқмоқда. Бу ҳамкорлик доирасида ўзини қуршаб турган йирик давлатларнинг манфаатларини анча-мунча мувозанатга келтириш имконини берган бўлар эди.

Сеул минтақавий ҳамкорлик имкониятларидан ўзининг умумий музокара салоҳиятини ошириш учун қўллаши ўта аҳамиятлидир. Глобаллашув жараёнига тенгма-тенг мослашиб олиш мақсадида Жанубий Корея иқтисодий жиҳатдан манёвр қилиш маконини кенгайтириб олишга уринмоқдадир. Регионализмнинг ижобий омилларини ишга солиш заминига эга бўлганлиги сабабли мамлакат глобаллашув жараёнида муваффақиятлироқ иштирок этиш имкониятини қўлга киритади.

Ва, ниҳоят, Шимоли-Шарқий Осиёдаги халқаро ҳамкорликнинг мустақамлана бориши Корея Республикасининг манфаатларига мос келади, чунки мақбул келадиган шарт-шароитларда Япония ва Хитой билан бирга ҳамкорликда иш тутиш бутун Хитой ярим оролининг шимолига ёйилиши мумкин. Бу Шимолий Кореяни ҳам музокаралар жараёнига қўшишга имкон беради.

Уч мамлакат раҳбарлари давлат миқёсида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, информатикани тараққий эттириш, юқори технологияларни ривожлантириш билан боғлиқ лойиҳалар қўллаб-қувватланиши тўғрисида келишиб олдилар. Аммо уч мамлакат раҳбарларининг музокаралари барча муаммолар бўйича силлиқлик билан ўтавермади. Хитой ўзининг ички бозорига қудратли Япония ва Жанубий Корея корпорацияларининг суқилиб кириб олишларидан хавфсираганлиги сабабли, уч мамлакатнинг аста-секинлик билан, босқичма-босқич яқинлашувига мойил бўлмоқда. Бундан ташқари, шаклланиб бораётган «учбурчак» тарафдорлари ўртасида ҳозирча уни юридик жиҳатдан субрегионал иқтисодий иттифок сифатида расмийлаштиришга имкон бермайдиган жиддий ихтилоф борлигини таъкидладилар.

Хусусан олганда, Хитойдаги банк-кредит тизимини бошқаришнинг ва валюта назоратининг принциплари ҳамон Япониядаги ва Жанубий Кореядаги айни шу каби механизмлардан анчагина фарқ қилар эди.

Бироқ, асосий муаммо шундаки, «Хитой ҳозирча халқаро иқтисодий ошкоралик ҳамда сиёсий ва ҳуқуқий ёпиқлик томон ҳаракат қилиши яқин ўртадаги истиқболда ХХРнинг Жанубий Корея ва Япония билан бўладиган муносабатларидаги зиддиятларни белгилаб беради».

Токио билан Сеул Пекинни ташқи иқтисодий сиёсатда бирмунча қатъийроқ чоралар кўришга даъват қилмоқдалар, бунинг учун ҳам ҳукумат идоралари, ҳам тадбиркорлик ҳамжамиятидаги алоқаларни ишга солишга

туртки бермоқдалар. Сеул билан Токионинг Пекин билан ўзларининг Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан бўлган муносабатларини «АСЕАН плюс уч» мулоқоти доирасида бир хил даражада ташкиллашга уринишларини ҳам айна шу жиҳатдан кўрмоқ даркор.

1.2. Корея Республикасининг АСЕАНдаги иштироки ва унинг АСЕАН билан муносабати

Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари Корея Республикасининг ташкилот иқтисодий алоқаларида муҳим ўринни эгаллайди. Жанубий Кореянинг АСЕАН билан 2000 йилдаги товар айланмаси 38 млрд. доллардан ортиб кетган ва бу борада фақат АҚШ, Хитой ва Япониягагина ён берган холос. Жанубий Корея - «ўнлик» иқтисодиётига қўшган сармояси ҳажми бўйича учинчи ўринни эгаллайди. Бундан ташқари, Жануби-Шарқий Осиёнинг қурилиш бозори ўтган асрнинг 90-йилларида Жанубий Корея қурилиш компанияларининг фаолияти майдонига айланиб қолган.

АСЕАН аъзолари кенг қулоқ ёйган интеграциялашув жараёнидан четда қолишдан ва натижада Хитойга - ўзларининг кўп меҳнат талаб қиладиган товарларни ишлаб чиқарувчиси бўлган рақибига бериб қўйишдан, Япониянинг ва Жанубий Кореянинг бозорларидаги «иссиқ» ўринларни бўшатиб беришдан чўчимадилар. Жануби-Шарқий Осиё давлатларининг ўз манфаатларини халқаро шартномалар доирасида ҳимоя этилишини кафолатланишига бўлган интилиши ҳам шундан келиб чиқади. Шу тариқа Япония, Хитой ва Жанубий Кореянинг АСЕАН мамлакатлари аъзолари билан иқтисодий алоқаларини истиқболда янада тараққий эттириш учун пойдевор яратиб берадиган иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириб олиш ва зарур ҳуқуқий тизимни барпо этиш учун шарт-шароит вужудга келмоқда.

Шарқий Осиё мамлакатларининг иқтисодий алоқаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаб туриш ғоясини Малайзия Бош вазири Махатхид Муҳаммара таклиф қилган. 1990 йилда у Шарқий Осиё иқтисодий ҳамжамиятини барпо этишни таклиф қилган бўлиб, у Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларини, шунингдек, Хитойни, Корея Республикасини ва Японияни бу ташкилотга бирлаштириши зарур бўлган. Малайзия ҳукумати етакчисининг бу таклифида Шарқий Осиё мамлакатларининг Тинч океани минтақасидаги Шарқий Осиё давлатларига, шунингдек, АҚШга қарши туриши кўзга ташланиб турар эди. Бундай ёндашув минтақанинг Америка

иқтисодиёти билан яқиндан боғланиб кетган кўплаб мамлакатлари манфаатларига зид келар эди. Шунинг учун ҳам Махатхид Муҳаммаранинг ташаббуси кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланмаган, боз устига унга Вашингтон ҳам фаол қаршилик қилиб турган.

Шу билан бирга, 80-90-йилларда Шарқий Осиёда ички миллий иқтисодий алоқаларнинг жадаллик билан кенгая бориши содир бўлган. Жумладан, минтақанинг ичидаги савдо 1970-2000 йилларда 32%дан 50% га ўсган ва у ҳозир ҳам анчагина ўсиш потенциалига эгадир. Шарқий Осиёга йўналтирилаётган хорижий капиталлар миқдори 1984-1995 йиллардаги жаҳон инвестициялари умумий ҳажми 8% дан 20% га Хитойнинг инвестиция масаласида ўзига тортиши туфайли ортган: улардан ярмидан ортиғи (54%) минтақанинг ички инвестициялар оқимиغا тўғри келади.

Шарқий Осиё давлатлари ўтказётган иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириб туриш амалиётига бўлган эҳтиёж 1997-1998 йиллардаги молиявий инқироздан кейин айниқса сезиларли даражада ортган. Шарқий Осиё давлатларининг тутган позицияларини бир-бирларига яқинлаштиришга, шунингдек, халқаро иқтисодий формулада бир-бирларининг ҳаракатларини ҳам мувофиқлаштириб бориш зарурлиги тўртки берган. Бундай шароитда Шарқий Осиё мамлакатларининг иқтисодий ҳамжамиятини барпо этиш ғоясининг ўзи кенг тарқалган эди. Шунинг учун ҳам Жанубий Кореянинг тош-тарозига солинган ва оқибатлари нималарга олиб келишини билиш мумкин бўлган, бир томондан қараганда «учлик»ни АСЕАН аъзолари билан яқинлаштиришга, бошқа томондан эса Шарқий Осиёнинг АҚШ билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилганлиги билан фарқланиб турадиган иқтисодий ташаббускорлиги Осиё-Тинч Океани Регионида талаб қилиб олинадиган бўлиб чиққан.

Корея Республикасининг АСЕАН билан мунтазам алоқалари расман 1989 йилдан бошланган. Ўтган асрнинг 90-йиллари иккинчи ярмидан бошлаб улар «АСЕАН плюс уч» диалоги доирасида ўтган бўлиб, ўшанда Жанубий, Шарқий давлатларнинг шериклари бўлиб, бир вақтнинг ўзида Япония, ХХР ва Корея Республикаси ҳам ҳаракат қилганлар. Президент Ким Дэ Чжуннинг ташаббусига кура, 1998 йилда истиқболли режалаштиришнинг Шарқий Осиё гуруҳи тузилган эди ва у ҳар бир мамлакатдан икки вакилни ўз ичига олган ва у АСЕАН мамлакатларининг Япония, Хитой ва Жанубий Корея билан ҳамкорлигини тараққий эттириш стратегиясини тайёрлаб беришга

қаратилган. Жанубий Корея томонининг фикрича, асосий эътибор - бу минтақачилик билан глобализмни оқилона бирга қўлланиши йўллариини излаб топишга қаратилган бўлмоғи керак.

Шарқий Осиё давлатлари раҳбарларининг 2000 йил ноябрида бўлиб ўтган Брунейдаги учрашувида президент Ким Дэ Чжун «АСЕАН плюс уч» шаклида ўтказилаётган учрашувларни Шарқий Осиё саммити деб аташ таклифини ўртага ташлаган. Бу ерда гап, фақатгина янги бир атаманинг пайдо бўлаётганлиги тўғрисида кетаётгани йўқ. Номни алмаштиришга бўлган интилиш ортида уч давлатнинг ўз муносабатларини Жануби-Шарқий Осиёдаги шериклари билан олиб бораётган музокараларига янги мазмун беришдан иборат эди. Жанубий Корея етакчиси Шарқий Осиё форумини ва Шарқий Осиё эркин савдо зонасини барпо этиш имкониятларини муҳокама қилишни таклиф қилди. Форум минтақа доирасида савдо ва бошқа иқтисодий зиддиятларнинг олдини олиш ва уларни келиштиришга хизмат қиладиган маслаҳатчи ташкилот бўлиб қолиши лозим эди. Унинг таркибига ўн уч давлатнинг давлат ва нодавлат ташкилотларининг вакиллари кириши зарур бўлган.

Шарқий Осиёда таркиб топаётган институтлар минтақанинг ички савдо, инвестицион, илмий-техник алоқаларининг фаоллашувига, энергетика базасининг мустаҳкамланишига имкон бериши даркор. Шунингдек, улар транспорт тармоқларининг тараққий этишига, маориф, соғлиқни сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги алоқаларнинг кенгайишига ёрдам бериши керак эди. Шарқий Осиёда эркин савдо зонасининг пайдо бўлиши, аҳолисининг сони 2 млрд. кишини ташкил қиладиган мамлакатларнинг умумий бозорини шаклланишига олиб келиши мумкин эди.

Шу билан бирга, интеграцион алоқаларнинг ривожланиши ҳар доим ҳам бир текисда ўтавермайди. ЖШО мамлакатлари билан иқтисодий ҳамжамиятнинг шаклланиш истикболлари ҳозирча фақат «учлик» томонидан муҳокама қилинмоқда холос. Хитой ва АСЕАН аъзолари 2001 йилга келиб эркин савдо зонасини барпо этишга тайёргарлик кўриш тўғрисидаги битимни тузганлар. Шунга қарамай, минтақа доирасида молиявий, товар, инвестицион оқимларни Япониянинг ва Жанубий Кореянинг иштирокисиз самарали бошқаришнинг имкони топилмаса керак. Шаклланиш жараёнида бўлиб ўтган зиддиятлар ва тортишувларга қарамай, ўн уч мамлакатни қамраб олувчи

Шарқий Осиёдаги интеграцияни чуқурлаштириш томон танланган йўл сақлаб қолинади, демакдир.

Янги гуруҳ тузаётган режа имкониятлари Шарқий Осиё мамлакатлари чегарасидан ҳам ўтиб кетди. АСЕАН аъзолари билан ўз фаолиятини мувофиқлаштирар эканлар, Европа давлатлари билан яхши иқтисодий алоқаларни ўрната олган Япония, Хитой ва Жанубий Кореяга энди Европа иттифоқига аъзо мамлакатлар билан муносабатларни ўрнатиш ташаббуси билан чиққанлар. Бирлашган Европа давлатлари 1994 йилда янги шарқ сиёсатининг рўёбга чиқарилишини кўзда тутувчи «янги осий стратегияси»ни эълон қилди. Европа ва Осиё давлатларининг ҳаракатлари билан 1996 йилда яна бир халқаро ташкилот АСЕМ барпо этилди ва у АСЕАНга аъзо давлатларни, Япония, Хитой, Жанубий Кореяни ва Европа Иттифоқини бирлаштирган.

Шу билан бирга, айрим тадқиқотчилар ҳақли равишда таъкидлаб ўтганларидек, АСЕМни шакллантиришда «кўринмай иштирок этган» учинчи тараф АҚШ бўлган. Айни вақтда АСЕМни барпо этишда Осиё-Тинч океани регионида Американинг пешқадамлик омили эътиборга олинганлиги таъкидланади: Осиё-Тинч океани иқтисодий иттифоқининг (ОТИИ) пайдо бўлиши куп жиҳатдан Европа мамлакатлари билан Американинг минтақадаги иштирокини мувозанатга келтиришга жавоб қидириш билан боғланган. Нима бўлганда ҳам, Европа Иттифоқи билан алоқаларни мустаҳкамлаб ва кенгайтириб Шарқий Осиё мамлакатлари ташқи иқтисодий алоқаларини анчагина диверсификациялашни (кенгайтиришни) кўзлайди, бу АҚШ билан бўладиган ўзаро муносабатларда ўзининг тутган мавқеини мустаҳкамлашни англатади.

Шарқий Осиёнинг АСЕМ доирасида фаолиятини кучайтириш мазкур давлатларнинг Европа мамлакатлари билан сиёсий, маданий ва инсонпарварлик соҳаларида мулоқотларни амалга оширишнинг барқарор воситасини яратишга бўлган интилишларидан гувоҳлик бериб турибди. Бироқ, АСЕМ фаолиятининг устувор йўналиши Европа билан Шарқий Осиё ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга қаратилган эди.

Жанубий Корея учун Европа мамлакатлари билан алоқада бўлиш чиндан ҳам ўта аҳамиятга эгадир. Бирлашган Европа Жанубий Корея иқтисодиёти учун четдан келадиган энг йирик инвесторлардан биридир. Европа Иттифоқи - Корея Республикасининг истикболли савдо шериги, ҳозирги

замон технологияларини олиб киришнинг муҳим манбаидир. 2000 йилнинг апрелида Корея Республикаси билан Европа Иттифоқи ўрталарида савдо-иқтисодий инвестицион ва илмий-техник алоқларни кенгайтиришни рағбатлантирувчи битим кучга кирган.

Шуларга ҳам қарамай, Жанубий Корея ҳукумати йирик халқаро ҳамкорлик дастурларини рўёбга чиқаришда ўзининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш учун Шарқий Осиё ва Европа мамлакатлари билан олиб бораётган ҳамкорликда иштирок этиш имкониятларидан фойдаланиб қолишга интилмоқда.

Жанубий Корея ҳукумати АСЕМ конференциясининг 2000 йилда Сеул шаҳрида ўтказилганлигидан имкон қадар кўпроқ манфаат кўриш мақсадида бир қатор кенг кўламли халқаро лойиҳаларнинг ташаббускори бўлиб чиқди. Биринчидан, президент Ким Де Чжун Шарқий Осиё мамлакатларини Европа билан боғлайдиган юқори даражада таъминлайдиган тезкор информацион тармоқни барпо этишга эришди. Лойиҳа Сеул форуми иштирокчилари томонидан қўллаб-қувватланган ва «Ипак йўли кибири» деган номни олган. Иккинчидан, темир йўллар тармоғини қуришнинг (ёки мавжудларини модернизациялашнинг) лойиҳаси тайёрланган бўлиб, у Жанубий Кореянинг Бусан (Пусан) портини икки корейс давлатлари орқали ўтиб, Хитой ва Сибирь орқали Европа иттифоқи мамлакатлари билан боғлаши кўзда тутилган эди.

Шарқ-Ғарб транспорт йўлагининг яратилиш ғоясини олдинга суриш Сеулнинг бундан кейинги тутадиган йўллариининг йўналишини белгилаб олиши сифатида баҳолаш мумкин бўлади. Темир йўл магистралларидан денгиз орқали юк ташишнинг альтернативаси сифатида кенг кўламда фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги кўплаб мамлакатларнинг экспертлари томонидан анча вақтдан бери муҳокама қилиб келинмоқда. Бироқ, барча транспорт лойиҳалари ҳам умумий концепциялар доираларидан чиқа олмаган ва лойиҳалардан бирортаси ҳам АСЕМ томонидан замин бўлиб хизмат қила оладиган манба сифатида қабул қилинмаган. Умуман олганда, ҳатто Ким Дэ Чжуннинг таклифи ҳам, Кореядан Европага олиб борадиган темир йўл транспорта йўналишларидан қайси бири устувор сифатида кўриб чиқилиши лозимлиги тўғрисида аниқликни киритмаган.

Аммо, Жанубий Корея учун маршрутнинг энг бошланғич нуқтаси (ёки унинг охириги станцияси) Бусан станцияси бўлиши ўта аҳамиятга эга

эканлигини таъкидлаб ўтиш керак. Корейс ташаббусидан кўзланган асосий мақсад рақибларнинг (асосан, ХХРнинг) ташаббусни ўз қўлларига олишларига йўл қўймаслик ва темир йўл маршрутини Хитой портларидан бирига туташтирмаслик бўлган.

Европадаги ва Осиёдаги ҳамкор шерикларнинг диққатини жалб этишга сиёсий омиллар ҳам имкон берган. 2000 йилда икки корейс давлатлари ўрталарида тўғридан-тўғри мулоқат қайтадан тикланган эди. Сеул билан Пхеньян ўртасида эришилган дастлабки келишувлардан бири, Корейс ярим оролининг Жануби билан Шимоли ўртасида тўғридан-тўғри темир йўл қатновини қайтадан тиклашга қарор қилинганлига бўлди. Европа Иттифоқи икки корейс давлати ўртасидаги муносабатларнинг тараққий этишини фаол қўллаб-қувватлади. Европадаги ҳамкор шерикларнинг Пхеньянга нисбатан сиёсатининг қўллаб-қувватланишига эришгач ва масалани Транс-корейс темир йўл магистрали қитъа транспорт лойиҳаси билан қайта туташтириш масаласини боғлаб, Сеул Европага унинг эҳтимолдаги альтернатив маршрутини амалга оширишда бирор-бир давлатга ёрдам кўрсатишда қийинчилик яратиб берган бўлади. Бу маънода, Корея Республикасига АСЕМ манфаатлари соҳаларида иқтисодий, сиёсий ва инсонпарварлик масалалари билан бир қаторда иштирок этиши фойдалидир.

Европа билан Шарқий Осиё ўртасида информацион кўприкни барпо этиш тўғрисидаги таклиф ҳам, жиддий иқтисодий мунозарага сабаб бўлди. Жанубий Корея ҳукумати шу восита орқали ўзининг информатика ва телекоммуникация тармоғини тараққий эттиришга ихтисослашган етакчи компанияларининг йирик халқаро лойиҳаларда иштирок этишини таъминлашга эришмоқчи бўлди. Шу маънода, бутун мамлакатни камраб олган ҳозирги замон информация тизимининг фойдаланишга топширилганлиги масаланинг Жанубий Кореянинг фойдасига ҳал бўлишига кўмак беради. Нима бўлганда ҳам, Жанубий Корея лойиҳа ташаббускори сифатида унинг техник мазмунини ва рўёбга чиқаришнинг техник шартларини муҳокама қилишда фаол иштирок этмокда.

АСЕМ учун хос бўлган камчиликлардан бири ташкилот ихтиёридаги имкониятлардан Жанубий Корея томони тўлиқ фойдалана олмади. АСЕМ консультатив ташкилот сифатида хизмат қилади. Унинг қарорлари консенсус билан (умумий розилик билан) қабул қилинади. Бундам ташқари, турган олти йиллик вақт мобайнида унинг етарли даражада илдамлик билан иш

кура олмаслиги (форум ўтказилишида икки йиллик циклнинг мавжуддиги, қарорларни қабул қилишга тайёрлашда сон-саноксиз ҳужжатлар тайёрлаш каби сансалорликлар) вазиятнинг тез ўзгара боришга нисбатан дарҳол қайта жавоб беришга ҳалал бериши маълум бўлиб қолган. Шунинг учун ҳам мазкур ташкилотнинг бир қатор аъзолари (шу жумладан, Жанубий Кореянинг ҳам) ишни тез ҳал қила оладиган маъмуриятни шакллантириш, стратегик ва тактик устуворликларни аниқ-пухта белгилаб олиш, Шарқий Осиё мамлакатларининг Европа Иттифоқи билан алоқаларини ривожлантиришни рағбатлантирувчи йирик халқаро иқтисодий ва инсонпарварлик лойиҳаларининг амалга оширилиши учун мақбул келадиган ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиб бериш ҳисобидан унинг фаолияти самарадорлигини оширишга интилоқдалар.

Ўзининг минтақавий иқтисодий сиёсатини олиб боришда АҚШ ҳозирча Жанубий Корея билан эркин иқтисодий зона барпо этишни ўзининг биринчи галдаги вазифаси деб ҳисоблаётгани йўқ. Американинг расмий доираларининг берган баёнотларига қараганда, АҚШнинг асосий мақсади Сингапур, Чили, шунингдек, яна бир қатор Лотин Америкаси мамлакатлари иштирокида эркин савдо зонасини вужудга келтиришдан иборат.

Америка Қўшма Штатлари бир қарашда муқобул шерикларни излаб топиш билан банд бўлган Корея Республикасининг фаоллигини Американинг тўғридан-тўғри иштирокисиз ва Осиё-Тинч океани иқтисодий иттифоқи каби халқаро ташкилотнинг назоратисиз содир бўлаётган Шарқий Осиё мамлакатлари кооперациялашувининг ўсиб бориши жараёнини қабул қилганидек совуқлик билан кутиб олиши зарурдек кўринади.

Чиндан ҳам, 90-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб кўзга ташланиб қолган Шарқий Осиё интеграцияси унинг Америка манфаатларига мос келиш-келмаслиги масаласини кўяди. Бир томондан олиб қараганда, АҚШнинг бевосита жалб этилишини назарда тутмайдиган минтақавий жараёнлар Американинг иқтисодий иштироки имкониятларини чеклайди. Шарқий Осиё мамлакатлари иқтисодиётининг бир-бирларига яқинлашуви истиқболда нафсонияти кескин кўтарилиб кетиши мумкин бўлган янги йирик компанияларнинг пайдо бўлишига шароит яратмоқда. Ниҳоят, минтақавий интеграция АҚШ манфаатларига жавоб берадиган глобаллашув жараёнини сустрлаштиради. Натижада АҚШ маълум вақт ўтгач Шарқий Осиё давлат-

ларининг ўсиб кетган иқтисодий қудрати ва сиёсий эркинлиги билан тўқнаш келиши мумкин.

Бошқа томондан олиб қараганда Шарқий Осиёда содир бўлаётган жараёнлар Америка манфаатлари нуқтаи назаридан олиб кўрилганда муҳим ижобий белгиларга ҳам эга бўлиши мумкин. Гарчи Жанубий Осиё интеграцияси глобаллашувни сустлаштирадиган бўлса ҳам, айнан у минтақа мамлакатларини келажакда шу жараёнга фаол киришиб кетишига тайёрлайди: Шарқий Осиёда халқаро стандартларга жавоб берадиган, хўжалик алоқаларининг жадаллашувига кўмак берадиган бозор институтлари пайдо бўлади, иқтисоднинг ривожланишига шароит яратилади. Бунда АҚШ жаҳон иқтисодиётининг тараққиётида асосий йўналишларни белгилаб берадиган юқори технологик тармоқларда етакчилик мавқеини сақлаб қолади. Шунинг воситасида АҚШнинг қудратли иқтисодиёти Шарқий Осиё мамлакатлари тараққиёти тенденцияларидан ўзи учун мақбул келадиган шарт-шароитлардан фойдаланиб қолиш имкониятига эга бўлади, яъни бундан кейинги глобаллашув жараёнига янги бир туртки бериши ва уни ўзи учун фойдали йўналишларга буриб юбориши мумкин бўлади. Шундай экан, Шарқий Осиёдаги воқеалар ривожини кўп жihatдан АҚШнинг узоқни кўзлаган стратегиясига мос тушади ва яқин келажакда унга таҳдид солмайди.

Ушбу ҳолатни эътиборга олган ҳолда Вашингтон Сеулнинг эркин савдо зонасини барпо этиш тўғрисидаги битимни тузишга бўлган интилишини (бундай иқтисодий зонанинг яратилишидан иқтисодий жihatдан манфаатдорлиги заифлиги учун) рад этмоқда, деган гаплар асоссиздир. АҚШ сенатининг молиявий масалалар бўйича коммитети буюртмасига асосан ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, икки тарафлама савдо айирбошлашнинг эркинлаштирилиши қисқа вақт ичида икки тарафлама товар айланмаси 40 %дан ортиқроққа кўпайиш мумкин экан, қолаверса Америка экспортининг ўсиши Жанубий Кореядан қилинадиган импорт миқдоридан икки мартага кўп бўлиши мумкин. Бироқ ҳар икки томон учун ҳам пўлат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан қилинадиган савдонинг нозик масалалари янада интеграциялашувни талаб қилади. Шундай экан бу узоқ давом этувчи музокараларнинг олиб борилишини тақозо этади.

Корея Республикасининг интеграциялашув жараёнидаги иштироки унинг ҳозирги шароитда олиб бораётган иқтисодий сиёсатнинг стратегияси йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Шарқий Осиё минтақасидаш савдо-

иқтисодий муносабатларнинг истиқболли йўналишларини белгилаб олган Жанубий Корея ўзи учун фойда келтирадиган сиёсий имкониятларни ва жамланган қудратли иқтисодий салоҳиятни қўллайди ва ундан муҳим воситачилиқ вазифаларини бажаришда минтақавий консультацияларда ижро этиб боради.

Шу билан бирга, мазкур шароитда сиёсий манфаатлар асосий мақсад эмас, балки Жанубий Корея учун иқтисодий муаммолари ечимини топиш муҳимроқдир. Глобаллашув йўлидан борар экан ва ташқи иқтисодий соҳалардаги эркинлаштириш сиёсатини ўтказар экан Сеул иқтисодиётини «кашф этади», бу билан, уни замонавийлаштиришга иштиёқни уйғотади, тадбиркорлик тузилмаларининг тараққий этиши учун имкониятларни очиб беради, интеграцион жараёнларда иштирок этади, миллий бизнесга Хитойнинг Жануби-Шарқий Осиё ва Европанинг истиқболли бозорлари учун олиб бораётган курашида кўмак беради, шунинг ҳисобига ўзининг иқтисодиёти учун салбий бўлган глобаллашув оқибатларини тузатиб олишга ҳаракат қилади. Сеул ўзи ўтказаятган ташқи иқтисодий сиёсатни мувозанатга келтира олишига қараб мамлакатда ўтказилаётган иқтисодий йўлнинг муваффақияти белгиланади.

Корея Республикаси 1991 йилнинг сентябрь ойида БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди ва ўша даврдан бери БМТ доирасида ўтказиладиган қўп тарафлама дипломатик фаолиятида фаол иштирок этиб, ўзига берилган барча ваколатлардан фойдаланиб, зиммасига юкланган барча мажбуриятларни бажариб келмоқда, БМТ амалга ошираётган барча хайрли ишларда ўз мақомига мувофиқ ўз улушини қўшиб келмоқда. БМТга аъзо бўлиб кирмасдан ҳам аввал Корея унинг халқаро валюта жамғармаси, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, ЮНИДО ва ЮНЕСКО қаби ташкилотлари фаолиятида фаол иштирок этиб келган, шунингдек, у тарифлар ва савдо бўйича Бош битимнинг ва бошқа муҳим ҳукуматлараро органларнинг иштирокчиси бўлган. Кореянинг давлат сифатидаги куч-қудрати орта боргани сари унинг халқаро сахнадаги роли ҳам ортиб бормоқда. Сеул шаҳрида бир қатор муҳим халқаро конференциялар бўлиб ўтган, улар орасида ЭСКАТОнинг 47-Бош сессияси ва Осиё-Тинч океани мамлакатлари министрларининг учинчи учрашуви ҳам ўтказилган.

БМТга аъзо бўлганидан бери Корея ушбу умумжаҳон вакиллик ташкилоти муҳокамасига олиб чиқилган барча халқаро муаммоларнинг кўриб

чикилишида фаол иштирок этган. 1992 йилнинг апрелида Корея вакиллари БМТнинг тараққиёт Дастури, БМТнинг инсон ҳуқуқи бўйича Комиссияси ва дастурлар устидан назорат бўйича Комитет каби ташкилотларнинг ижроия ёки раҳбарлик органларига сайланганлар. Буларнинг барчаси БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий дастурларини амалга оширишда марказий ролларни ўйнаб келади. 1992 йилнинг сентябрида Бош Ассамблеянинг сессиясида Жанубий Корея БМТнинг етакчи органларидан бири бўлмиш Иқтисодий ва ижтимоий Кенгаш аъзоси бўлди.

Ҳозирги пайтда Корея Республикаси йигирма иккита халқаро ташкилотларнинг, БМТ номи билан иш кўрадиган ўн олтита ташкилотнинг ва олтита ҳукуматлараро органларнинг фаол иштирокчисидир. Уларнинг ишида иштирок этар экан Корея гиёҳвандликка қарши кураш, инсон ҳуқуқини қенгайтириш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш каби оламшумул аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал қилишда, шунингдек, бой ва камбағал мамлакатлар орасидаги фарқни қисқартиришга қаратилган иқтисодий дастурларнинг амалга оширилишида фаол иштирок этиб келмоқда.

Корея Республикаси, шунингдек, БМТнинг хавфсизлик масалалари бўйича ўтказаетган сиёсатида ҳам иштирок этмоқда. У сиёсий масалалар ва халқаро хавфсизлик масалалари билан, шу жумладан оддий ва адро қуролларини қисқартириш масалалари билан шуғулланувчи Биринчи Комитет ишида, шунингдек долзарб сиёсий масалалар билан, масалан, БМТнинг тинчликни қўллаб-қувватлаш масалалари билан шуғулланувчи Махсус сиёсий комитет ишида иштирок этмоқда. 1992 йилда Корея саккизинчи марта, 1957 йилдан бошлаб атом энергетикаси бўйича Халқаро агентликнинг бошқарувчилар Кенгашига аъзо бўлиб кирган. Шундай қилиб, Кореянинг халқаро сиёсий сахнадаги хавфсизлик масалаларида тутган роли оғишмай юксалиб бормоқда. Корея ядро қуролларини қисқартириш ва ер куррасида тинчликни сақлаш каби оламшумул муҳим масалаларнинг ҳал этилишида иштирок этиб келмоқда.

Шу билан бир қаторда, Корея янги индустриал мамлакатлардан бири сифатида бор куч ва имкониятлари билан ривожланиб бораётган мамлакатларга ўзининг орттирган иқтисодий қурилиш тажрибасини бажонидил ўргатишга тайёр эканлигини билдирмоқда. Эндигина ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий тараққиёт режаларини ишлаб чиқишда, инвестициялар учун сармояларни излаб топишга уринишда ва

иқтисодий сиёсатни ўтказишда, яъни иқтисодиётнинг тинимсиз ўсишини таъминловчи масалаларни ҳал қилишда жиддий муаммоларга тўқнаш келадилар. Тараққиётнинг корейс тажрибаси бундай мамлакатлар учун бебаҳо бўлиб чиқиши мумкин.

Корея Республикаси кам тараққий этган мамлакатларга ёрдам кўрсатишда катта тажрибага эга. Корея ривожланиш йўлига ўтган давлатларга ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб ёрдам кўрсатиб келмоқда. Ўша даврларда Корея бундай мамлакатлардан сони кўпчиликини ташкил қилмаган стажёрларни ўзига таклиф қилган, ўзининг айрим мутахассисларини эса хорижга сафарга юборган. 1957 йилдан кейин, яъни иқтисодий салоҳияти жуда катта миқдорга етганидан кейин, Корея бундай мамлакатларга катта ёрдам бера бошлаган ва бу ёрдам турли-туман шаклларда амалга оширилган. Корея уларга бепул хом ашёларни, жиҳозларни ва қурилиш технологияларини етказиб бериб турган, Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик жамғармасидан ссудалар ажратиб турган, шунингдек, у корейс кўнгилли ёшлар Жамияти аъзоларини юбориб, кадрлар билан ҳам ёрдам кўрсатиб турган. Корея, шунингдек, халқаро валюта фонди, халқаро тикланиш ва тараққиёти бюроси, АБР ва яна ўнга яқин бошқа халқаро молиявий органлар орқали ҳам ривожланаётган давлатларни қўллаб-қувватлаб турган. Корея БМТ, ГАТТ ва бошқа ташкилотларнинг молиявий харажатларини кўтариб юборишда ҳам ўзининг улуши билан иштирок этиб келмоқда, бунинг устига у қўшиб бораётган молиявий улуш салмоғи йилдан-йилга ортиб ҳам бормоқда.

1991 йилнинг апрелида Корея ривожланаётган мамлакатларга ёрдам кўрсатиш тизимини кенгайтириш мақсадида Ташқи ишлар вазирлиги қошида халқаро ҳамкорлик бўйича Корейс Агентлигини ташкил қилган. Корея ҳар йили тараққиётнинг расмий фондига деярли 100 млн. долларлик улушини кўшмоқда.

Халқлар ўртасидаги дўстликни ва ўзаро ёрдамни мустаҳкамлашга интилган ҳолда турли мамлакатлар билан икки тарафлама алоқаларни кенгайтириш учун Корея оғишмай алоқаларни ривожлантириш тарафдори бўлиб турибди. У маданий алоқаларни халқаро кўламдаги ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликнинг оламшумул тенденцияси сифатида кўриб келмоқда. Маданий алоқаларни ривожлантира борар экан, Корея бошқа мамлакатларни ҳам фақат ўзигагина хос бўлган миллий санъати ва маданияти билан

таништиришга интилиб келмокда. Шу билан у жаҳон маданияти дурдоналари корейс халқининг ҳам мулкига айланиб қолишига ҳаракат қилмокда. Жаҳон ҳамжамиятининг Корея тўғрисидаги объектив тасаввурга эга бўлиш учун у биргина маданий алоқаларни ривожлантирибгина қолмасдан, хорижий мамлакатларда корейс тилини ўқитишда ёрдам кўрсатмокда, шунингдек ўз мамлакатада турли илмий конференцияларни ва спорт мусобақаларини ўтказмокда. 1991 йилнинг декабрида мамлакатда Халқаро маданий алоқаларни мувофиқлаштириб туриш ва фаол қўллаб-қувватлаб туриш Корейс Фонди тузилган.

Бутун жаҳонда ва мамлакат ичкарисида содир бўлаётган воқеликлар янги Кореяни яратишга интилаётган республика маъмурларидан «янги дипломатия» сиёсатини ўтказишни талаб қилган. Ташқи ишлар министрлиги томонидан «янги дипломатия»нинг беш асосий йўналиши ишлаб чиқилган. Булар: глобаллашув, ҳар томонли, кўп томонли, минтақавий ҳамкорлик ва келажак сари интилиш.

Корея Республикаси ташқи сиёсатининг глобаллашуви (дунё миқёсидаги) демократия, эркинлик, эзгулик ва инсон ҳуқуқи каби умуминсоний қадриятларга катта эътибор беришга қаратилган. Республика ҳукумати ахлоқий эътиқод принципларига асосланган ташқи сиёсат идеалистик эмас, балки реалистик хусусиятга эга бўлиши мумкин, деб ҳисоблайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, у бундай ғоялар ва қадриятларнинг бутун жаҳонга тарқалишига имкон беради ва айти шу каби нуқтаи назарга таяниб иш кўрувчи мамлакатлар билан ўз алоқаларини ривожлантириб бораверади. Шу билан бир вақтнинг ўзида ўзининг миллий ва минтақавий манфаатларини таъминлаб, ўз мамлакатининг хавфсизлигини мустаҳкамлайверади.

Ташқи сиёсатдаги ҳар томонламалик республиканинг бошқа мамлакатлар билан барча соҳаларда олиб бораётган алоқаларини кенгайтиришни, шу билан бирга савдо-сотиқ, иқтисодиёт, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва маданиятга алоҳида эътибор қаратаётганлигини билдиради.

Ташқи сиёсат соҳасида миллий хавфсизлик масалалари ҳар доим алоҳида эътибор қаратилишини, ҳар доим огоҳликка даъват этувчи ниҳоятда нозик масала эканлиги диққат марказда туради.

Жаҳонда содир бўлаётган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда Корея Республикаси барча мамлакатлар билан муносабатларини фаол ривожлантириб бораверади, шу билан бирга ўзининг анъанавий шериклари

билан алоқаларни янада жипслаштираверади. У Жануби-Шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси (АСЕАН) аъзолари билан, Европа ҳамжамияти мамлакатлари, Лотин Америкаси, Яқин Шарқ ва Африка мамлакатлари билан кўп тарафлама алоқаларни ўрнатиш ниятидадир. Осиё-Тинч океани минтақасидаги давлатлар билан ҳамкорликни янада фаоллаштириш зарурати ХХІ асрда, бунинг учун етакчи ролнинг ажратилиши мумкинлигидан келиб чиқади. Корея Республикаси иқтисодий ҳамкорликни Тинч океани тизимининг кенгайтирилишида иштирок этиш ниятида бўлиб, бунинг учун Осиё-Тинч океани иқтисодий кенгашидан фойдаланмоқчи ҳам.

«Янги дипломатия» режаларидаги янгиликлардан бири унинг келажакни кўзлаб олға интилишидадир. Агар янги ташқи сиёсат миллатнинг парчаланишидан келиб чиқадиган муаммоларни ҳал этишга қаратилган дипломатик уринишларни кўзда тутадиган бўлса, «янги дипломатия» ярим оролнинг келгусида бирлашиши масалаларини дипломатик йўллар билан ҳал этишни, бирлашишдан кейин юзага келиши мумкин бўлган масалаларни ҳал қилишни кўзда тутди. Шунинг учун ҳам ўтказиладиган янги ташқи сиёсат олдида турган вазифалардан бири халқаро ҳамжамиятга Корея тутган вазиятни ва унинг ислохотларни рағбатлантиришга ва жамиятнинг Шимолий Кореядаги очиклигини таъминлашга эришиш, шунингдек, ўзининг тутган ўрнининг халқаро кўламда қўллаб-қувватланишига эришмоқчи.

1.3. Корея Республикасининг ОТРдаги роли

Осиё-Тинч океани регионидаги давлатлар Ўзбекистон учун геосиёсий ва геоиқтисодий нуқтаи назардан олиб қаралганда катта қизиқиш уйғотади.

Осиё-Тинч океани региони кейинги ўн йилликлар мобайнида жаҳоннинг бир текис ўсиб, ривожланиб бораётган районларидан бирига айланиб қолган. Иқтисодий ўсиш суръатлари бўйича ушбу регион мамлакатлари дунёнинг бошқа давлатларидан анчагина ўзиб кетган. Сиёсатчилар қўллайдиган атамалар ичида «Янги индустриал мамлакатлар» (ЯИМ) атамасининг пайдо бўлиб қолганлиги ҳам бежиз эмас.

Геосиёсий регион жаҳоннинг тўртта энг катта қутбини - АҚШ, Хитой, Япония ва Россияни ўз ичига олади. Геосиёсий нуқтаи назардан олиб қараганда, бу жуда улкан бозор ва ҳозирги замон маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи етакчи куч-арзон ишчи кучи, замонавий жиҳозлар ва юқори технологиялардир («ноу-хау»).

Бугунги кунга келиб, айнан Тинч океан ўзига хос денгиз орқали юк ташиш, сунъий йўлдош орқали алоқани, информацияларни регионга, тез ривожланиб бораётган давлатларга узатиш марказига айланди.

АҚШ билан собиқ СССР ўртасидаги оламшумул қарама-қаршилик тугаганидан кейин ҳар икки давлатнинг ташқи сиёсатида минтақавий устуворликлар анчагина ўзгаришларга дуч келганлиги ҳам бежиз эмас. Уларнинг диққат-эътиборлари анъанавий рақиблик маконларидан (Шарқий Европа, Яқин Шарқ, Жанубий Осиё ва бошқалардан) Осиё-Тинч океани регионига кўчган.

Айниқса, АҚШ учун Осиё-Тинч океани регионининг (ОТР) аҳамияти улкандир. АҚШ Давлат котибининг Шарқий Осиё ва Тинч океани ишлари бўйича ёрдамчиси У. Лорднинг сўзларига Караганда, «Осиё Америка Қўшма Штатларининг иқтисодий жиҳатдан соғлом бўлиши ва америкаликларнинг кундалик турмушлари учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Бу - америкаликларни иш билан ва экспорт билан таъминлаш нуқтаи назаридан олиб қаралганда энг мазали луқмаи ҳалолдир».

ОТР Америка товарлари учун йирик бозорлардан биридир. 1992 йилда Американинг регион мамлакатларига қилган экспорти 120 миллиард долларни ташкил қилган. 2,3 миллион америкаликлар айнан ОТР билан олиб борилаётган иқтисодий алоқалар натижасида иш ўрнига эга бўлганлар, АҚШ ушбу региондаги давлатлар иқтисодиётига 65 миллиард атрофида сармоя ўтказган.

Бундан ташқари, Япония, Жанубий Қорея, Тайвань, Сингапур каби давлатлар илмий-техник тараққиётнинг энг илжор ўринларини эгаллаб турибдилар ва шунинг учун ҳам АҚШ билан юқори технологияларни айирбошлаш ва ўзининг рақобатдошлигини ушлаб туришидан манфаатдордир.

Пентагон учун ҳам регионнинг стратегик аҳамияти жуда катгадир. АҚШ Тинч океан ҳавзасидаги бешта давлат билан икки томонлама-мудофаа битимларини тузган бўлиб, уларга минтақадаги кучлар мувозанатини сақлаб туришда катта ўрин ажратилади. ОТР да ҳозирга қадар 100 минг атрофида америкалик ҳарбий хизматчилар жойлашган, шу ерда Американинг энг қудратли флотларидан бири ўрнашиб олган ва у ерда жуда қудратли ҳарбий-денгиз ва ҳарбий-ҳаво базалари жойлашган.

1996 йилда АҚШнинг Тинч океан флоти ўз таркибида 39 та стратегик сув ости кемалари, 6 та авианосецдар, 29 та ракетали крейсерлар, 17 та эсминецлар, 12 та фрегатларга, 21 та амфибия кемалари ва бошқа ёрдамчи кемаларга эга бўлган.

Вашингтон ҳарбий иттифоқлар ва олдиндан жойлаштирилган Америка қуроли кучлари минтақадаги нобарқарорлик туфайли вужудга келиши мумкин бўлган ҳар қандай хавф-хатарларга, яқиндагина ядро қуролининг тарқалмаслиги шартномасидан чиққанлигини эълон қилган ҚХДР салб юришларига самарали жавоб беришга имкон беради, деб ҳисоблайди.

ОТРдаги куп тарафлама сўзлашувли шерикликнинг маркази 1994 йилда Регионал форум АСЕАН (Жануби-Шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси) мамлакатлари ташаббуси билан яратилган хавфсизлик масалалари бўйича форум (АРФ) ташкил этилди. Унинг фаолиятида АСЕАНга аъзо давлатлар, АСЕАН билан сўзлашувлар ўтказувчи шерик-давлатлар иштирок этади.

Осиё регионал форуми (ОРФ) Осиё-Тинч океани регионидаги кўп тарафлама сиёсий алоқадорлик бош минтақавий давлатлараро механизмига айланиб қолган.

Сиёсий қарашларнинг умумийлиги ҳамда ўзаро манфаатларнинг, шу жумладан қадриятларга бўлган муносабатининг умумийлиги асосида ҳам ёки ягона тариф сиёсатини амалга оширувчи қандайдир иқтисодий ва савдо бирлигини яратишга асосланган «Тинч океани халқаси»ни яратиш ғояси янгилик деб ҳисобланмоғи ўринсиздир.

Амалда Япониядан ташқари, кўплаб Осиё мамлакатлари учун «Тинч океан халқаси» концепцияси ёки «Тинч океан ҳавзаси» концепцияси бироз бўлсада, ниқобланган Иккинчи жаҳон уруши йилларида гап-сўз бўлиб юрган Осиё мамлакатларининг биргаликда тараққий этишларининг Буюк ҳамжамиятини яратиш ғоясининг ўзидир.

80-йиллардан бошлаб Осиё-Тинч океани региони учун муҳим бўлган қуйидаги принциплар эълон қилинган эди:

- регионал тараққиёт ва кооперациялашиш;
- эркин савдо капиталларнинг эркин ўтказилиши;
- иммиграция ва ўқитиш орқали кишиларни тўғридан-тўғри алмашиш;
- иқтисодий муамоларни ҳал қилиш учун биргаликда ишлаш.

Кенгайтирилган вариантда «Тинч океани халқаси» биргина Осиё мамлакатларининг орол иқтисодиётинигина эмас, балки АҚШ, Австралия,

Янги Зеландиянинг иқтисодий имкониятларини ҳам ўз ичига олади. Ушбу улкан географик минтақада мамлакатлар ўртасида технологиялар, хом ашёлар манбалари ва аҳолига таълим бериш тизимида фарқдар мавжуддир. Шунга қарамай, алоҳида олинган мамлакатлар билан ёки ҳавзанинг ичидаги регионлар билан иқтисодий муносабатлар тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда.

АТЭС ва юқорида номи тилга олинган АСЕАН энг қуд-ратли регионал бирлашмалардир. АТЭС 1989 йилда ташкил қилинган бўлиб, иштирокчиларнинг биринчи учрашуви Канберрида бўлиб ўтган ва унда Австралия, Бруней, Канада, Индонезия, Япония, Малайзия, Сингапур, Таиланд, Бирма, Лаос, Мьянма, Вьетнам вакиллари иштирок этган. Ташкилотнинг тўлиқ номи - Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари Ассоциациясидир.

АСЕАН мамлакатларининг 1995 йилда ишлаб чиқарган ялпи миллий маҳсулот ҳажми 1,6 АҚШ долларига тенг бўлган. Харид қувватининг паритети (тенглаштирилиши) бўйича АСЕАН АҚШ, Германия, Япониядан кейин дунёда тўртинчи ўринни эгаллайди. АСЕАНга аъзо давлатларнинг ташқи савдоси 1995 йилда 636,6 миллиард долларга етган. Бу Ҳиндистон экспорт савдосидан тахминан 10 мартага кўп, Япония савдосининг эса 82 фоизини ташкил қилади.

1997 йилда бошланган Хитой, АҚШ, Япония ва Россия раҳбарлари иштирокидаги олий даражадаги учрашувлар иқтисодий алоқаларининг тез ривожланишига туртки бўлди ва асосий давлатлар ўртасидаги ўзаро келишувлар ва ҳамкорлик тимсолига айланиб қолди. Шуларга қараганда, чиндан ҳам иқтисодий ҳамкорлик ишбилармонлик доирасида ўзаро ҳамкорлик энг аҳамиятли рағбатлатирувчи куч бўлиб қолади. Бу - ижобий ҳолдир, чунки тараққий этган давлатлар билан ҳамкорлик қилиш натижасида ривожланаётган давлатлар турли соҳаларда юксаликка кўтарилишлари учун кўпгина қулайликлар яратилади.

Табиийки, буларнинг ҳаммаси барча давлатлардан анчагина саъйи-ҳаракат қилишларини талаб қилади. Улар бундан афсусланаётганлари йўқ. Шу нарса диққатга сазоворки, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари Осиё-Европа учрашувини ўтказиш ташаббуси билан чиққанлар. У 1996 йилда, Банкокда бўлиб ўтди ва унда Европа Иттифоқи билан Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ўртасида келишувлар амалга оширилди.

АСЕМ нинг фундаментал ғояси билан АСЕАНнинг бош йўналтирувчи ғояси ўзаро бир-бирларини тўлдиради. АСЕМ учун йўл очиб берар эканлар Европа Иттифоқи ва АСЕАН аъзолари АҚШ, Европа ва ОТРдан иборат уч кутб-ли оламшумул тартибга нисбатан ҳам умумий қарашлари бир эканлигини намоёйиш этдилар.

Европа билан ОТР ўртасидаги алоқанинг заиф эканлигидан келиб чиққан ҳолда, ушбу номутаносибликка барҳам бериш мақсадида бир қатор чоралар ишлаб чиқилган. Ушбу режалар «Трек-2»да, «Трек-1»га нисбатан фарқилган ҳолда ҳукуматлараро даражада дипломатик музокаралар ўтказиш муҳимлиги, нодавлат ташкилотлар, илмий муассасалар ва икки региондаги ишбилармонлар гуруҳларининг ўзаро ҳамкорлик қилишлари билан ажралиб турган.

Осиё-Тинч океани регионида 1997 йилдаги молиявий инқироздан кейин қизиқарли ўзгаришлар содир бўлган. Молиявий тартибсизликлар қай даражададир АҚШнинг иқтисодий манфаатларини мустаҳкамлаган ва у региондаги сиёсий ва иқтисодий барқарорликнинг шубҳасиз ка-фили бўлиб қолган.

Бундай ҳолатнинг юзага келиши регионда бошқа давлатларнинг - Хитой, Россия ва Япониянинг турли сабабларга кура бундай кафолатлик функциясини бажара олмаслигидан келиб чиққандир. Бундан ташқари, АҚШнинг ва ХВФ (энг кўп бадал тўлаган халқаро валюта фондининг) бу даражада кучли таъсир ўтказиши шароитида АҚШ шу мамлакатлардаги ўзига қарашли банкларнинг ва корхоналарнинг манфаатларига хизмат қиладиган чораларни қўллаш имкониятига эга бўлган.

Ўсишнинг юқори суръатлар билан содир бўлаётганлигидан ва ташқи сиёсатда ОТР мамлакатларида иқтисодий дипломатиянинг устуворлигидан келиб чиққан ҳолда, регион давлатлари раҳбарлари бор кучларини иқтисодий тараққиётга қаратиш учун халқаро вазиятни тинчликда сақлаб туриш уни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилмоқдалар.

Шу мақсадда улар ўзларининг ҳаракатларини мувофиқлаштириб бормоқдалар ва кенг қўламдаги масалалар бўйича, бир-бирларига нисбатан муносабатларда, масъулиятга эришишга интиломоқдалар, бу эса ОТРнинг иқтисодий тараққиётидаги, шу жумладан узоқ муддатли ораликдаги муҳим кўрсаткичдир.

Осиё-Тинч океани регионида асосий кучни иқтисодиётнинг очиклигига, цивилизацияларнинг ва қитъаларнинг бир-бирларини ўзаро тўлдириб бормокдалар ва бундан уларни турмуш даражасидаги фарқ ҳам асло ташвишга солаётир. ОТР мамлакатлари амал қилаётган «Бирлик - турли-туманликдадир» шиори барчага маълумдир.

Нотекис тараққий этишдан тортиб турли блоклардан четдаги мўлжалларгача бўлган сиёсий-иқтисодий статусдан келиб чикувчи келишмовчиликларга қарамай, Осиё-Тинч океан регионида тараққий этган ва тараққий этаётган мамлакатлар ўрталарида бирмунча яқиндан гуллаб-яшнаш сиёсий ва мафкуравий ихтилофларнинг вужудга келишидан ҳимоя қилувчи энг ишончли кафолат эканлигини тушунаётганликлари очик-ойдин кўриниб турипти. Ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви давом этаётган минтақада иқтисодий моделларнинг турли-туманлиги ўсиб бораётган ўзаро боғлиқликнинг ва бир-бирларини тўлдириб туришнинг устунлигидан омилкорлик билан фойдаланиш имкониятини беради.

Жанубий Кореянинг Тайван, Сингапур, Гонконг билан бир қаторда, янги индустриал мамлакатлар - ЯИМга кириши маълумдир. Жанубий Кореянинг ташқи ҳамкорлигидаги муҳим шерикларидан бири айнан шу мамлакатлардир. Кейинги йилларда Жанубий Кореянинг Жануби-Шарқий Осиёга қилаётган инвестициялари микдори сезиларли даражада ортган.

Мамлакатнинг ташқи сиёсий мақсадлари «ОТРнинг жаҳон тараққиётидаги етакчилик роли»ни тан олишдан келиб чиққан ҳолда шаклланиб, ундаги «ҳамкорликсиз рақиблик» принципи «рақиблик ва ҳамкорлик» қоидаси билан алмашганидадир. Минтақадаги иқтисодий жиҳатдан турли-туманликдан имкон қадар фойдаланиб, «айнан шулар чинакам эркин бозор иқтисодиётининг ривож топишига имкон яратади».

Шарқий Осиёнинг «тўрт аждаҳолари»дан бири бўлган Жанубий Корея иқтисодий ўсишда каттагина натижаларга эришган. Бундан атиги ўттиз йиллар аввал ЯИМ даражаси жон бошига ҳисобланганда Африка ва Осиёдаги энг камбағал давлатлар билан қиёсланиши мумкин эди. Бугунга келиб Жанубий Кореяда киши бошига ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулот ҳажми Ҳиндистондагига нисбатан 7 марта, Шимолий Кореядагига нисбатан 1 марта ортиқ бўлиб, у Европа Иттифоқига аъзо бўлган кичик мамлакатлар кўрсаткичи билан қиёсласа бўладиган даражададир.

Бундай муваффақиятларга 1980 йилларнинг охирига келиб давлат билан бизнеснинг ҳамкор алоқалари, мақсадли кредитларни ажратиш, мамлакатга импорт маҳсулотлар келишини чеклаш, саноатнинг алоҳида олинган тармоқларига маблағ ажратиш ва сабот билан меҳнат қилиш каби чораларни ўз ичига олган тадбирлар туфайли эришилган.

Ҳукумат истеъмол товарлари ҳисобидан хом ашёларнинг ва технологияларнинг импорт қилинишини қўллаб-қувватлаган ва истеъмол қилишда фарқ қилган ҳолда жамғармаларнинг тўпланишини ва капитал сармояларнинг йиғилишини маъқуллаган.

1997-1999 йилларда бўлиб ўтган Осиё молия инқирози тараққиётнинг Жанубий Корея моделидаги аввал-азалдан мавжуд бўлган заиф томонларни, шу жумладан акциялар бўйича қарзларнинг юқори нисбатини, хориждан жадал қарзларнинг олиншини ва молиявий тажрибанинг йўқлигини очиқ ташлаган. 1998 йилга келиб, молиявий барқарорлик изга тушиб кетган ва 1999 йилдан гуркираб ўса бошлаган.

Ҳукумат, шунингдек йирик мамлакатлардаги корпорацияларга босим ўтказиб, уларнинг ихтисослашувини тезлаштириш мақсадида шуъба корхоналар билан алмашилишга мажбур қилган ва кўплаб ўртамиёна саноат конгломератларни кредитор-банклар билан бир қаторда қарзлардан ўз муддатида қутулишга туртки берган.

Жанубий Корея иқтисодиётининг яқин бир неча йиллардан бош вазифаси иқтисодий ўсишга олиб келган аввал бошдаги шарт-шароитларга қайтиш учун бозор ислохотлари суръатини бир меъёрда сақлаб туришдан иборат бўлади. Жанубий Корея эркин демократия, эркин бозор каби тушунчалар том маънода амалга ошган мамлакатлар билан анъанага кура, яқиндан мустаҳкам алоқаларни ўрнатиб келади. Булар - АҚШ, Япония, Ғарбий Европа мамлакатларидир. Айниқса, Жанубий Корея билан АҚШ ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланиб кетган. АҚШ 1948 йилда Жанубий Кореяни суверен давлат сифатида биринчилар қаторида тан олган ва унинг оёққа туриб олишида тарихий ролни ўйнаган.

Ҳозир ҳам Корея Республикаси билан АҚШ аввалгидек ҳаётий фаолиятининг барча соҳаларида - хавфсизлик соҳаларида, иқтисодиётни ривожлантиришда, экология ва хавфсизликнинг бошқа турларида ҳамкорликни қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Аввалдаги Жанубий Корея билан Япония ўртасидаги айрим келишмовчиликларга қарамай, улар ўрталаридаги алоқалар ҳам яхши даражададир ва таҳлилчилар бу ҳолни икки мамлакатнинг ҳамкорликда кўрадиган иқтисодий наф билан боғламоқдалар.

Жанубий Корея билан Ўзбекистоннинг ҳамкорлиги йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда.

Яқин келажакда Осиё Ер қуррасининг жадаллик билан ривож топаётган регионларидан бири бўлиб қолаверади. Жаҳондаги иқтисодий жиҳатдан энг тараққий этган 10 мамлакатдан тўрттаси - Япония, Жанубий Корея, Хитой ва Индонезия Осиёдан эканлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

II БОБ. КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ

2.1. Корея Республикаси иқтисодиётида илғор технологияларни ўзлаштириш

XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб Жанубий Корея иқтисодий сиёсати чёт эл инвестицияларини жалб этиш билан бир қаторда мамлакатга замонавий чет эл технологияларини киритишга ҳам йўналтирилган эди. Баъзи сабабларга кўра замонавий технологияларни ўзлаштириш ҳажми ўзлаштирилган қарз ресурслари ва бевосита капитал қўйилмалар ҳажмидан кам бўлса-да бу технологияларнинг Жанубий Корея иқтисодиётини ҳозирги даражага кўтаришда, унинг индустриаллашувида жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Замонавий технологик жараёнларни кенг тадбиқ қилиш учун бевосита унга мос техникани сотиб олиш керак эди. Харид қилинган, бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган техника воситалари орасида транспорт воситалари, электр қурилмалар ва аппаратлар асосий қисмни ташкил қилар эди. Шартнома шартларига кўра бундай харидлар йиллик 3% лик кредитлар ҳисобига, 3 йил ичида қарзни узиш шарти билан молияланар эди. Бундан ташқари Жанубий Корея бевосита ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган ускуналарни ҳам харид қилиши керак эди. Одатда, бундай харидлар орқали технологик жараёнлардан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам қўлга киритиларди. Борган сари бундай ускуналарга талаб кучайиб борди ва ўз навбатида нафақат техниканинг ўзига, балки “know how”га ажратмалар ҳажми ҳам ўсиб борди. Фақат 1962-1982 йиллар давомида Жанубий Корея билан ривожланган капиталистик давлатлар ўртасида техника воситалари ва “know how” харид қилиш тўғрисида умумий сўммаси 681 миллион АҚШ долларини ташкил қилувчи 2281 та шартнома рўйхатга олинган ва бу шарномалар суммаси шу давр мобайнидаги бевосита инвестицияларнинг 47,7% ни ташкил қилган. Бу шартномаларнинг асосий қисми (56,4%) Жанубий Корея билан ҳамкорликни АҚШ ва бошқа давлатлардан 4 йил кейин бошлаган бўлса-да, Япония ҳисобига тўғри келади. Жанубий Кореянинг фойдаланилаётган техника ва технологияларга ажратмалари суммасининг ҳам асосий қисми Японияга тўғри келади. 15 йил даввомида (1962-1977) АҚШ ва Ғарбий Германия мос равишда Жанубий Корейдан 24,3 млн.\$ (27,7%) ва 4,4 млн.\$ (5%) ажратма олган бўлса, Япония бор йўғи 10

йил (1967-1977) давомида 52млн.\$ (59%) ажратма олган. 1975 йилда чет эл техникаси ва технологиясидан фойдаланганлик учун барча ажратмаларнинг 64% АҚШ ва Япония (мос равишда 4796 ва 7074 млн.\$) хиссасига тўғри келади. Қайд этиб ўтилган Жанубий Кореянинг бу икки давлатга жуда кучли боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда Жанубий Корея Ташқи Савда Ассоциацияси 1976 йил 17 июлда тез суръатда Жанубий Корея техника ва технологиялар оладиган манбаларни диверсификация қилиш тўғрисида чақириқ билан чиқди. Аммо бундай чақириққа рақамларгина сабаб бўлиб қолмади. Миллий фан ва техника институтининг баҳолашига кўра ўзлаштирилган “know how”нинг фақат 30% инигина (АҚШ ва Ғарбий Европа давлатларидан) илғор технология деб ҳисоблаш мумкин, қолган 70% и (Япониядан ўзлаштирилган) эса қолоқ ва эскирган деб баҳоланган. Ўтказилган тадқиқотдан сўнг Жанубий Кореяда Технологияларни жалб қилиш бўйича Консультацион марказ тузилди. Бу марказ тадбиқ этилиши керак бўлган технологияга, салбий омилларни бартараф қилиш мақсадида, бошланғич баҳолашни (чет эл мутахассислари ёрдамида) амалга оширар эди. Ташқаридан замонавий технологияларни ўзлаштириш жараёнини умумий ҳолда кўздан кечириб чиққач энди бу жараён динамикасини кўриб чиқамиз. Жанубий Кореяда ташқаридан техника ва технологияларни ўзлаштириш жараёнини шартли равишда уч даврга бўлиш мумкин. Биринчи давр 1962-1966 йилларни ўз ичига олади ва бу давр мобайнида амалга оширилган олди-сотдилар ва уларнинг қиймати минимал миқдорда ифодаланди. Бу ҳолни бир томондан вазифаларнинг чегараланганлиги билан, иккинчи томондан Жанубий Кореядаги сиёсий бекарорлик ва қисман бу бекарорлик натижаси ўлароқ ривожланган капиталистик давлатлар тадбиркорларининг уларнинг сотаётган ускуна ва технологиялари ишончли қўларга тушишига бўлган ишончсизлиги билан изоҳлаш мумкин. Иккинчи даврда Жанубий Корея ростакамига индустриаллаштириш дастурини амалга оширишга киришди. Мамлакат учун мутлақо янги бўлган ишлаб чиқариш соҳаларини яратиш замонавий технологияларга бўлган талабнинг кескин ошиб кетишига олиб келди бу эса ўз навбатида чет элдан “know how”нинг оқимининг кучайишига сабаб бўлди. Иккинчи давр мобайнида амалга оширилган битимлар миқдори(9.6 баравар) билан бир қаторда Жанубий Корея томонидан техника ва технологиялар учун тўловлар(35.5 баравар) ҳам кескин ошди. Келтирилган рақамлардан иккинчиси айтиб туриптики, Жанубий Кореяга мураккаб

техника ва қиммат технология кириб келиши кучайди. Учинчи даврнинг (1977-1988) ўзига хос характери “индустриаллаштиришнинг янги босқичи”га ўтиш билан белгиланади. Бу босқичнинг асосий вазифалари меҳнатталаб ишлаб чиқаришдан капиталталаб ва технология талаб қиладиган ишлаб чиқаришга ўтиш эди. Ҳалт қилувчи босқичнинг кардинал вазифаларини бажариш энг янги техника ва илғор технологияни ўзлаштириш ва тадбиқ қилишга бориб тақалар эди. 1979 йил апрелида Жанубий Корея ҳукумати чет эл технологиясини жалб қилиш тартибига навбатдаги тузатишларни киритди ва бу билан либераллаштиришнинг иккинчи фазасини амалга оширди. Янги тартибга кўрақўйидаги ҳолларда технологияни харид қилиш таъқиқланди:

- агар шартномалар фақат намуналар, фабрика маркалари ва савдо белгиларидан оддий фойдаланишни кўзда тутса;
- агар шартномалар фақат хом ашё материалларини ёки алоҳида қисмларни сотишни кўзда тутса;
- агар шартнома ишлаб чиқариши мўлжалланган маҳсулот экспортига ноҳақ ва чегараловчи шартлар қўйса;
- агар шартнома эскирган, номукамал ёки меъёрларга тўғри келмайдиган технология таклиф қилса;
- агар иқтисодий режалаштириш вазири шартномани маъқул деб ҳисобламаса.

Қайд этиб ўтилганидек, янги тартибга кўра шартномада Жанубий Корея фирмаларининг чет эл савдо белгиларидан оддий фойдаланиши кўзда тутилган бўлса ҳукумат ҳеч шубҳасиз бу шартномани рад этиши мумкин эди. Бу ҳолда Жанубий Корея тадбиркорларини ундовчи сабаб бўлиб истеъмолчиларнинг чет эл фабрика маркали маҳсулотларга бўлган иштиёқи хизмат қиларди. Ваҳоланки, ички бозорда сотиш учун мўлжалланган маҳсулотларнинг сифати қониқарли эмас эди. Бундан ташқари Жанубий Корея фирмалари бирор машҳур чет эл маркаси билан безатилган ўз маҳсулотларини ташқи бозорларда ҳам сотшга интилишарди. 1978 йилда Жанубий Кореяда бор йўғи 15 та хориж маркасидан фойдаланувчи фирма рўйхатга олинган. Аммо 1986 йилги Осиё ўйинлари ва 1988 йилги Олимпиада ҳукуматни технологияларни ўзлаштириш тартибларини енгиллаштиришга мажбур қилди. Натижада хориж савдо белгиларидан фойдаланувчи фирмалар сони 1978-1983 йиллар давомида 32.3 баравар ўсди. Шунинг билан бирга электроника ва машинасозлик саноатига ўта замонавий

технологиялар оқими кучайди. 1982 йил давомидаги Жанубий Корея фирмаларига электрон технологиялар етказиб бериш бўйича битимлар сони 1981 йилга нисбатан 28.7% га ошди. Мамлакат президенти барча хусусий фирмалардан мажбурий тартибда ўзаро ўз ихтиёрларида бўлган технологияларни алмашишни талаб қилди. Савдо ва саноат вазирлиги кичик ва ўрта фирмалар томонидан янги хориж технологияларини тадбиқ қилишни рағбатлантиришини эълон қилди. Рағбатлантириш тизими 1984 йилда кучга кирди ва биринчи навбатда электрон буюмлар ишлаб чиқарувчи фирмаларга жорий қилинди. Ҳали яхши ўрганилмаган электроника соҳасида фаолият юритишга журъат қила олган фирмаларга кўмаклашиш мақсадида Молиявий ва техник ёрдам кўрсатиш фонди ташкил этилди. 1988 йилда фонд жамғармаси 400 миллион АҚШ долларини ташкил этди. 1983 йил 12 августда Молия вазирлиги хориж технологиясини тадбиқ қилиш мақсадида кредит сўраб мурожаат қилган фирмаларни қўллаб қувватлаш мажбуриятини юклади. Махсус кредитлар беш муддатга, икки йиллик имтиёзли даврида 10% ставка бўйича берилди. Айтиб ўтилганларга қўшимча қилиб шуни айтиш жоизки, Жанубий Корея тараққиётининг тўртинчи босқичида технологияларни ўзлаштириш соҳасида АҚШ ва Ғарбий Европа томонга оғаётганини кузатиш мумкин. Бундай ўзгаришга сабаб АҚШ ва Ғарбий Европа давлатлари Жанубий Кореяни ўзларига ракобатчи бўла олади деб билмади ва уни энг замонавий технологиялар билан таъминлади. Япония эса кўшнисининг тез суръатлар билан ривожланишидан хавотирланиб унга замонавий бўлмаган технологияларни сотишга интилди. 1983 йилда амалга оширилган “know how” ларни етказиб бериш бўйича битимларни уч тоифага бўлиш мумкин. Биринчи тоифа битимларининг вазифалари: хориж технологияси ёрдамида илгари Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилмаган бирор маҳсулот турини ишлаб чиқариш, бу соҳани монополлаштириб олиш ва бу маҳсулотни ички бозорда сотиш. Иккинчи тоифага тегишли битимлардан Жанубий Корея фирмалари ўз олдиларига экспортни кенгайтириш, янги, юқори сифатли ўз маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва бу маҳсулот билан ташқи бозорга чиқишни каби вазифаларни қўйдилар. Учинчи тоифа битимларда фақат йирик фирмалар қатнашдилар ва улар ўз олдиларига маҳаллий саноатнинг алоҳида соҳаларини сифат жиҳатдан янги даражага кўтаришни мақсад қилиб қўйдилар. Бундай битимга мисол қилиб Жанубий Кореянинг “Samsung” фирмаси, АҚШнинг “Micron Technology” компанияси

ва Япониянинг “Sharp” корпорацияси ўртасидаги техник битимни келтириш мумкин. Унга кўра Жанубий Корея томони АҚШга кристаллар ва хотира қурилмалари етказиб бериш ҳуқуқига эга бўлди. Бунинг учун Сеул яқинида яримўтказгичлар тайёрловчи завод қурилди. “Samsung” фирмасининг бу ташаббусидан сўнг соҳадан яхшигина фойда кўриш мумкинлигига ишонч ҳосил қилишгач “Daewoo” ва “Goldstar” (ҳозирги пайтда “LG”) каби фирмалар ҳам яримўтказгичлар ишлаб чиқаришга киришишди. Мисол сифатида Жанубий Корея кemasозлик саноатини ҳам келтириш мумкин. Технологияларни (аввалига Япониядан, кейинчалик Буюк Британия, Франция, Норвегия ва Нидерландиядан) ўзлаштириб, Жанубий Корея олинаётган буюртмалар ҳажми бўйича жаҳонда иккинчи ўринга чиқди. Жанубий Корея саноатини янги турдаги ускуналар билан жиҳозлаш турли каналлар орқали амалга оширилди. Саноат ускуналари тижорат қарзлари бўйича ҳам олиб келинди, лекин бундай ускуналарга технологик ёрдам кўрсатилмасди. Бундай ҳолларда керакли техник кадрларни тайёрлаш корейликлар зиммасига тушарди. “Know how” ларни етказиб берилганда эса техник битимларга мувофиқ хориж фирмаси ёки Жанубий Кореяга техник консультантларини жунатиш ёки маҳаллий мутахассисларни тайёрлаб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Хориж технологик кўмагининг асосий қиммати худди мана шу маҳаллий кадрларни тайёрлашда эди. Қайд этиб ўтилганидек ўзлаштирилган технологиялар умумий ҳажмини бевосита инвестициялар ҳажми билан ҳам тижорат қарзлари ҳажми билан ҳам солиштириб бўлмайди. Аммо, рақам жиҳатидан кам бўлсада хориж технологик кўмаги кўп ҳолларда тижорат қарзлари ва бевосита инвестицияларга нисбатан кўпроқ ва тезроқ ижобий натижа берди. Шу сабабли Жанубий Корея охириги вақтда илғор технологияларни ўзлаштириш ва қўшма корхоналарга бевосита инвестицияларни жалб этишга алоҳида эътибор бермоқда.

2.2. Корея Республикаси иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларини жалб қилиш борасидаги давлат сиёсати.

Корея Республикаси қонунчилигида бевосита хориж инвестицияси хорижликларнинг акцияларни сотиб олиш ёки узоқ муддатли қарз бериш орқали корхоналар бошқарувида иштирок этиш ҳуқуқини олиш билан боғлиқ корпоратив фаолияти сифатида белгилаб қўйилган. Хориж инвестициясини

жалб қилишдан асосий мақсад мамлакатнинг рақобатбардошлигини оширишдир. 1960 йилда “Хориж инвестициясини жалб қилиш ҳақидаги қонунчилик акти” қабул қилингандан то яқин вақтларгача инвестицияларни жалб қилиш сиёсати, асосан, инвестицион соҳаларни кенгайтириш, инвестицион процедураларни соддалаштириш, солиқларни қисқартириб, хориж инвесторларига ҳар хил имтиёзлар беришга қаратиб келинди. 1997 йил февралда хориж инвестициясини жалб қилиш бўйича муҳим қонунчилик актлари қабул қилинди. БХИни рағбатлантириш мақсадида мавжуд қонунчиликка ўзгартиришлар киритилди. Янги қонунчиликда хориж инвестициялари соҳаларини кенгайтириш ва товар гуруҳларини кўпайтириш, хорижликларга ерларни саноат мақсадлари учун фойдаланишга ижарага беришда имтиёзлар бериш имкониятлари белгилаб қўйилган эди.

Корея Республикасида БХИ ни тартибга солувчи асосий қонунчилик актлари:

- “Хориж валютаси билан операцияларни назорат қилиш ҳақидаги қонун” (FESA);
- “Қимматли қоғозлар ва хориж валютаси билан операциялар ҳақидаги қонун” (MOPE);
- “Хорижликлар томонидан ерларнинг сотиб олиниши ва фойдаланилиши ҳақидаги қонун” (FTA).

БХИни амалга оширишни назорат қилиш молия ва иқтисодиёт вазирлигига юкланди. Марказий банк хориж валютаси билан операцияларни назорат қилади ва пул массасини бошқаради. БХИ ни амалга ошириш бўйича кўплаб функциялар хориж валютаси билан операциялар учун лицензияга эга бўлган банкларга ўтказилди.

1997 йил 1 февралдан иқтисодиётнинг очик секторида инвестицияларни амалга ошириш учун рухсатномалар бериш тизими инвестор маҳаллий банкка керакли хабарнома юборгандан сўнг дарҳол инвестицияни амалга ошириши мумкин бўлган хабар бериш тизими билан алмаштирилди. БХИ нинг энг кам миқдори 50 млн. вон деб белгиланди. Агар бир нечта хорижий инвестор биргаликда инвестицияни амалга ошираётган бўлса, у ҳолда улардан ҳар бирининг ҳиссаси 25 млн. вондан кам бўлмаслиги керак.

Умумий қоида сифатида лойиҳалардаги хориж иштироки 10% дан кам бўлмаслиги керак эди. Агар хорижий инвестор бевосита корхона бошқарувида иштирок этса унинг ҳиссаси 10% дан кам бўлиши мумкин. Корея Республикасида тадбиркорликнинг барча турлари Миллий статистика бюроси томонидан ишлаб чиқилган “Стандарт саноат классификацияси” бўйича таснифланади. 1984 йил июлдан бошлаб БХИ ни амалга оширишнинг хабардор қилиш тизими “тақиқловчи рўйхатлар тизими”га асослана бошлади. Бу тизимга кўра инвестор “тақиқловчи рўйхат”га кирувчи фаолият турларидан бошқа ҳар қандай фаолиятни амалга ошириши мумкин эди. Хориж капитали қатнашган фирмалар ҳар қандай ҳажмдаги инвестицион қарзларни жалб қилиши мумкин эди. Бу қарзлар ишлаб чиқариш воситалари импортига ишлатилиши керак.

Хориж инвесторларига бундан ташқари ҳар хил солиқ имтиёзлари, қўйилган маблағларни ва дивидендларни хорижга ўтказиш кафолатлари каби имтиёз ва кафолатлар берилди. Корея Республикасида хорижий капитал иштирокидаги корхоналар ички корхоналар деб ҳисобланади ва бундан келиб чиққан ҳолда улар “Даромад солиғи тўғрисидаги қонун”, “Корпорациялардан олинadиган солиқлар тўғрисидаги қонун”, “Солиқлардан озод қилиш ва солиқ имтиёзлари ҳақидаги қонун (TERCL)” каби қонунчилик актларида кўзда тутилган даромад солиғидан озод қилиш, божхона тўловлари сўммасини камайтириш ёки ундан бутунлай озод қилиш каби кўплаб имтиёзлардан маҳаллий корхоналар қаторида фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Пойтахт ҳудудидан ташқарида ёки провинцияларда, бошқача қилиб айтганда саноат зоналарида ёки эркин экспорт ҳудудларида жойлашган ишлаб чиқариш қувватларига эга бўлган хориж капитали иштирокидаги корхоналар (ХКИК) кўплаб солиқ имтиёзларидан фойдаланадилар ёки улардан бутунлай озод қилинадилар. Пойтахт Сеул яқинида жойлашган ХКИК солиқ имтиёзларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмаса-да, агар компания фаолияти электроника, информатика, янги материаллар, оптик ускуналар, космос, транспорт хизматлари ва энергетика каби юқори технологиялар билан боғлиқ бўлса, улар бундай имтиёзлардан фойдаланишлари мумкин. Бундан ташқари Корея Республикасида эркин экспорт зоналари – махсус саноат ҳудудлари яратилган бўлиб, бу ерда ХКИК ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши, омборлар ташкил қилиши, экспорт

маҳсулотларини йиғиши ва қайта ишлаши мумкин. Бу ҳудудларда солиқ ва божхона процедуралари максимум соддалаштирилган шаклда амалга оширилади.

Корея Республикаси ҳукумати хорижий инвесторларга турли имтиёзлар яратилган 25 та саноат ҳудудларини белгилаб берди. Бу ҳудудлар солиқлардан озод бўлмаса-да, маҳаллий саноатга инвестиция киритиш жараёнида инвесторлар бошқа ҳудудлардагига нисбатан арзон нархларда ишлаб чиқариш қувватлари ва бошқа инфраструктура объектларини сотиб ёки ижарага олишлари мумкин. Махсус саноат ҳудудларида, асосан, электроника, саноат ускуналарининг ривожланиши рағбатлантирилди.

Хориж инвесторларини қўллаб қувватлашнинг бошқа турлари уларни имтиёзли шартлар асосида электр энергияси, сув, транспорт инфраструктураси, алоқа, омборхона иншоотлари, ремонт базалари ва б. билан таъминлашни назарда тутди.

1998 йил 16 апрелгача кучда бўлган қонунчиликка кўра хориж инвесторлари ёки технологияларни етказиб берувчилар инвестициядан, дивиденддан олинган даромаддан, авторлик гонораридан, агар улар Корея Республикасида олинган бўлса, солиқ тўлашлари шарт эди. Агар инвестор ишлаб чиқариш қувватларига эга бўлмаса, масалан, фақат технология етказиб бериш билан шуғулланса, у ҳолда унинг даромад манбаи бўлган маҳаллий корхона инвестор фойдасининг бир қисминин ушлаб қолиш ҳисобига даромад солиғи тўлаши керак эди. Бу ҳолда инвестор давлатлар ўртасидаги икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш тўғрисидаги битимга эга бўлган ҳолда маҳаллий қонунчиликда солиқнинг қандай ставкалари белгилаб қўйилганлигидан қатъий назар икки томонлама шартномада кўзда тутилган ставканинг юқори чегарасидан ошмайдиган максимал ставкада солиқ тўлаши керак эди.

Бундан ташқари инвесторларга нисбатан солиққа тортишни кредитлашнинг компенсациялаш тизими (TSC) қўлланиларди. Шундай қилиб, агар хориж капитали икки томонлама солиқ шартномаларида TSC ни қўллашга йўл қўювчи давлатлардан биридан кириб келган бўлса ва ўз давлатида солиқ имтиёзларидан фойдаланса Корея Республикасида ўз дивидендларидан ёки авторлик гонорарларидан тўлайдиган солиқларидан қатъий назар икки томонлама солиққа тортишдан озод бўлишлари мумкин эди. Кўп ҳолларда давлат мулкидан фойдаланувчи ёки ижарага олувчи хориж

капитали иштирокидаги корхоналар ижара ҳақидан қисман ёки тўлалигича озод қилинади. Шунингдек, хориж капитали иштирокидаги корхоналарга уларнинг капиталини ёки фойдасини хорижга ўтказишда давлат кафолати тақдим қилинди. Хориж капитали иштирокидаги корхоналарнинг бутун мулки Корея Республикаси қонунчилиги орқали экспроприация ёки реквизиция қилинишдан ҳимоя қилинди. Шунинг билан бирга Корея Республикаси WTO/TRIPs, “Париж келишуви”, “Патентлар соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги халқаро келишув (РСТ)”, “Авторлик ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро келишув”, “Будапешт шартномаси”, “Берн конвенцияси” каби халқаро битимлар иштирокчисидир. Корея Республикаси ўзининг “Яримўтказгич маҳсулотлари ишлаб чиқиш муаллифлиги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун”, “Ноҳақ рақобатнинг олдини олиш тўғрисидаги қонун” лари орқали ИС (интеграл схемалар) муаллифлигини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор бермоқда.

1998 йилнинг бошида янги таҳрирдаги ТХК ни жалб қилиш тизими.

1998 йилнинг феврилида Корея Республикаси ҳукумати FDIFCIA га ўзгартиришлар киритди ва бу ўзгаришлар 1998 йил 16 апрелидан бошлаб кучга кирди. Олдинги қонунчиликка кўра агар хориж компанияси директорлар кенгашининг розилигисиз Жанубий Корея корпорациясининг акцияларини сотиб олса, хориж компаниясининг акциялари овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум бўлар эди. Бундай тартиб ҳукуматнинг иқтисодий сиёсатига мос келмайдиган компанияларнинг қўшиб ёки сотиб олинишларига тўсқинлик қилар эди. ХВФ бу тартибнинг бекор қилинишини талаб қилди. Корея Республикаси ҳукумати бунга рози бўлди, чунки бу талабни амалга оширмасдан Жанубий Корея компаниялари акцияларидаги хориж иштирокини келажакда 55% гача кўпайтириш мумкин бўлмас эди. Қайта кўриб чиқилган қонун Жанубий Корея компанияларида хориж капитали иштирокини 10% дан 33.3% гача кўтарди. Агар хорижликлар корхонанинг янги чиқарилган акцияларини эмас, балки муомалада бўлган акцияларини сотиб олиш учун директорлар кенгашининг розилигини олишлари талаб қилинади. Бундан ташқари қайта кўрилган қонун шу пайтгача мавжуд бўлган тартибга кўра активлари суммаси 2 трлн. вон дан ортиқ бўлган компаниялар акцияларини сотиб олиш учун молия вазирлигининг рухсатини олиш мажбуриятини бекор қилди. Янги тартибга кўра ушбу рухсатнома фақат мудофаа ва/ёки стратегик муҳим аҳамиятга эга

бўлган, рўйхати президент буйруғи орқали тасдиқланган компаниялар акцияларини сотиб олиш учун талаб қилинади. Корея Республикасида Саноат вазирлиги ва Мудофаа вазирлиги ўртасидаги шартномада қайд этилган 81 та мудофаа корхоналари мавжуд.

БХИ ни жалб қилиш мақсадида қонуннинг янги таҳрири саноат объектлари жойлашган давлат ерлари учун ижара имтиёзларининг бир мунча паст чегарасини белгилаб қўйди. Янги қонун қайтариш муддати 3 йилдан ортиқ ва суммаси 1 млн. долл. дан ортиқ бўлган тижорат қарзларини жалб қилишга рухсат бериш билан бирга узоқ муддатли қарзларнинг, агар бу қарзлар БХИ га тегишли деб топилса, ҳажми, мақсади ва фойдаланиш тартибларига қўйилган барча чекловларни бекор қилди. Янги таҳрирга кўра 1998 йил 16 апрелдан бошлаб Жанубий Корея иқтисодиётидаги 1148 та тармоқдан БХИ учун тўла очиб қўйилган тармоқлар сони 1096 тадан 1106 тага кўпайди, қисман очик тармоқлар сони 31 тадан 24 тага қисқарди, тўлалигича ёпиқ тармоқлар сони эса 31 тадан 21 тага камайди.

БХИ ни жалб қилиш соҳасидаги бошқа ислоҳотлар. БХИ ни жалб қилишга йўналтирилган молиявий ислоҳотлар қуйидаги тадбирларни ўз ичига олди: “валюта коридори”нинг бекор қилиниши, фоиз ставкаларининг ўсишига қўйилган чекловларнинг бекор қилиниши, Жанубий Корея компаниялардаги хориж иштирокининг йўл қўйиладиган чегарасининг 26% дан 55%гача оширилиши, давлат, махсус ва корпоратив облигациялар билан операцияларга қўйилган чекловларнинг бекор қилиниши, хориж банклари ва брокерлик уйларида Корея Республикасида ўз бўлимларини очиш ҳуқуқининг берилиши, хорижий инвесторлар учун номолия ташкилотлари акциялари бозорининг очилиши, барча тижорат банклари фаолиятининг таҳлил қилиниши ва 14 та тижорат банкидан лицензияларнинг олиб қўйилиши.

Корпоратив секторни реструктуризация қилиш ва корпорациялар фаолиятини “шаффоф”лигини таъминлаш мақсадида мажбурий консолидация қилинган моливий ҳисоботлар тизими йўлга қўйилди ва шу вақтнинг ўзида кичик акционерлар корпоратив ҳужжатларни текшириш ва компания раҳбарияти фаолиятига таъсир ўтказиш имкониятига эга бўлди.

1998 йил куздаги БХИ ни амалга ошириш тизимидаги ислоҳотлар. Юқорида санаб ўтилган тадбирлар билан бир қаторда билан бир қаторда

хукумат маҳаллий инвестицион иқлимни яхшилашга қаратилган янги қонунчилик актлари пакетини тайёрлай бошлади.

Ҳукумат томонидан таклиф қилинган тадбирлар қуйидагиларни ўз ичига олди:

1. хориж валютаси (ЭАВ (эркин алмаштириладиган валюта) даги жорий операциялар, резидентлар томонидан хориждан хориж валютасидаги қарз воситаларини ва инвестицияларни эркин жалб қилиш ва маблағларни хорижга ўтказиш ва б.) билан операцияларни тўла либераллаштириш;
2. Жанубий Корея иқтисодиётидаги хориж инвестицияси учун очиқ тармоқларни янада кўпайтириш;
3. БХИ ни амалга ошириш тартиб ва қоидаларини соддалаштириш (Корея савдо ва инвестиция агентлиги, KOTRA, хориж инвесторлари учун керакли юридик ҳужжатлар ва битимларни тайёрлаб беради);
4. Хориж инвесторларига қўшимча имтиёзлар бериш, жумладан, бир қатор тармоқларда “солиқ таътил”и ни 10 йилгача узайтириш;
5. Маҳаллий маъмуриятга БХИ ни жалб қилишда ёрдам бериш давлат фондини (71 млн. долл. капиталга эга) ташкил қилиш;
6. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги қошида БХИ ни жалб қилишни тартибга солувчи қонунчилик актлари лойиҳаларини тайёрлаш ва коррективировка қилиш бўйича махсус бўлим ташкил қилиш, Корея Республикаси Савдо, саноат ва энергетика вазирлиги қошида потенциал хорижий инвесторларни топиш билан шуғулланадиган бўлимни ташкил қилиш; Ташқи ишлар ва ташқи савдо вазирлигига ўзининг хориждаги вакилликлари орқали Корея Республикасига БХИ ни жалб қилиш вазифасини топшириш;
7. Қўшимча яна 3 та “эркин инвестициялар ҳудудлари”ни очиш (бу ҳудудларда Корея Республикаси фирмалари билан биргаликда юқори технологик маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи хориж компаниялари 7 йил давомида корпоратив солиқдан, фойда солиғидан, мулк солиғидан озод қилиниб, бунга қўшимча равишда кейинги беш йил давомида ушбу солиқларни 50% миқдорида тўлайдилар).

Мамлактга хориж инвестициясининг кириб келишини кучайтириш мақсадида ҳукумат ўзининг хориж фирмалари билан муомала қилишнинг эски ҳал қилувчи шахс сифатидаги ёндошувини янги БХИ ни қўллаб қувватлаш ва рағбатлантиришга асосланган ёндошувга алмаштирди. Янгича ёндошувнинг асосий тамойиллари Миллий кенгашнинг 1998 йил 2 сентябрдаги “Хориж инвестицияларига ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги акт”ида белгилаб берди. Бу акт 1998 йил 17 ноябрда кучга кирди. Бу актда диққат маркази ҳокимиятнинг марказий органларидан маҳаллий органларга кўчирилган ва уларга ўз ҳудудларининг ривожланишидаги асосий роль ажратилган. Янги акт Корея Республикасида халқаро стандартларга мос БХИ ни максимал қўллаб қувватлаш режимини яратишга қаратилган. Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун актда Корея Республикаси иқтисодиётининг барча секторларини либерализация қилиш кўзда тутилган. Хориж инвесторлари учун тўлалигича ёпиқ ёки қисман ёпиқ бўлган фаолият йўналишлари сони мос равишда 21 тадан 13 тага ва 31 тадан 18 тага камайтирилди. Агар Корея Республикаси иқтисодиётида 1148 та сектор мавжудлигини ҳисобга оладиган бўлсак, Жанубий Корея иқтисодий фаолияти тармоқ ва соҳаларининг 98.9% и халқаро қўйилмалар учун очик бўлади.

13 та ёпиқ тармоқларга янги қонунчилик қўйидагиларни киритади: ғаллачилик, дарё ва денгиз балиқчилиги, гўшт маҳсулотларининг улгуржи савдоси, тиббий ва ижтимоий суғурта, телерадио узатишлари, авиаташувлар, йирик қорамол етиштириш ва ахборот агентликлари фаолияти.

Янги қонунчилик иқтисодий фаолият соҳаларини, саноатнинг устувор соҳаларига инвестицияларни жалб қилиш тартибларини ва ушбу тармоқларга инвестиция киритилган ҳолда бериладиган солиқ имтиёзларини белгилаб берди. Тадбиркорлик фаолиятининг юқорида айтилган тармоқларига қўйидагилар киритилди: илғор технологиялар, бизнеснинг юқори технологияларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган хизмат кўрсатиш соҳалари, мамлакат саноатининг рақобатбардошлигини ошириш, эркин иқтисодий ҳудудларда фаолият юритаётган корхоналар.

Корея Республикаси ҳукумати томонидан инвестицион қонунчиликка кўра солиқ имтиёзлари тадбиқ қилиниши кўзда тутилган илғор технологияларнинг 446 та тармоғи, хизмат кўрсатиш соҳасининг 70 та тармоғи белгилаб берилди. 1998 йил декабрда юқори технологиялар соҳаси

таркибини қайта кўриб чиқди ва ундаги тармоқларнинг умумий сонини 436 тага қисқартирди, шунинг билан бирга бизнеснинг хизмат кўрсатиш соҳасидаги солиқ имтиёзларига эга бўлган тармоқлар сони 97 тага кўпайтирилди. Юқори технологиялар соҳасининг янги қонунчиликда кўзда тутилган тармоқларида фаолият юритаётган хориж капитали иштирокидаги корхоналар 5 йил давомида фойда ва даромад солиғи тўлашдан тўла озод қилинди. Кейинги 3 йил давомида эса ушбу солиқларнинг 50% миқдорида тўлашлари белгилаб берилди. Агар корхона эркин иқтисодий ҳудудларда жойлашган бўлса, улар ташкил этилгандан кейинги 4 йил давомида фойда ва даромад солиғидан озод қилинадилар ва бундан кейинги 2 йил давомида ушбу солиқларни 50% миқдорида тўлайдилар. Бу қонунга кўра “юқори технологик” корхоналар 5 йил давомида дивиденд солиғидан ва дивиденддан олинган даромад солиғидан озод қилинадилар ва кейинги 3 йил давомида ушбу солиқларни 50% миқдорида тўлайдилар. Эркин иқтисодий ҳудудлардаги корхоналар ушбу солиқлар бўйича корхона таъсис этилгандан бошлаб 5 йил давомида 50% лик чегирма оладилар.

Маҳаллий ҳокимият органларининг мамлакатда қулай инвестицион иқлим яратишдаги ролини ҳисобга олган ҳолда уларга хориж капитали иштирокидаги корхоналарни ҳар қандай маҳаллий солиқлардан 8 йилдан 15 йилгача муддатга озод қилиш ҳамда харид қилиш, мулк, регистрация солиғи ва умумий ер солиғини тўлаш бўйича имтиёзлар бериш ҳуқуқи берилди. Бундан ташқари, хориж капитали иштирокидаги компаниялар фаолиятини бошлагандан сўнг 3 йил давомида Корея Республикаси ҳудудига киритиладиган саноат ускуналари, ҳисоблаш техникаси ва бошқа корхонаннинг фаолияти учун зарур бўлган ускуналар учун бож, ҚҚС, ва акциз солиқларини тўламайдилар ва 5 йил давомида хориж илғор технологиялардан фойдаланганликлари учун олинадиган тўлов (роялти) дан озод қилинадилар.

Жанубий Кореянинг хорижга инвестициялари ҳажми йилига 80% га ўса бошлади. Бу ерда асосий эътибор саноат инвестицияларига қаратилди (унинг ҳиссаси 24% дан 42% га ўсди). Шу билан бирга бевосита инвестициялар ҳажмида ўрмон саноати (17% дан 3%га), қурилиш (19% дан 2%га) ва савдо (20% дан 15%га)нинг ҳиссаси қисқарди. Жанубий Корея инвестициялари географияси ҳам ўзгарди. Унда Осиё (38% дан 24% га), Африка (16% дан 1% га), Яқин Шарқ (14% дан 10% га) нинг ҳиссаси камайди. 1981-1990

йиллардан бошлаб АҚШ ва Европа Жанубий Корея инвестицияларининг устувор йўналишларига айланди. Жанубий Корея иқтисодчиларининг таснифига кўра Жанубий Корея ODI нинг тўртинчи босқичи 1990 йилларда бошланган. Бу даврда кўплаб мамлакатлардаги Жанубий Корея инвесторлари зарар кўра бошлашди ва бу бошқа омиллар билан бир қаторда Корея Республикаси тўлов балансининг сурункали дефицитига олиб келди. Бу дефицит эса Корея Республикаси иқтисодиётидага 1997 йилдан бошланган кризиснинг асосий сабабидир. Кризисга қарамасдан Корея Республикаси ҳукумати ўзининг ODI ни либераллаштириш сиёсатини давом эттирди.

1995 йилда ODI ни расмийлаштиришнинг соддалаштирилган тартиби йўлга қўйилди. Унга кўра сўммаси 10 млн. долл. гача бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун фақат кредит берувчи асосий банкнинг қарори етарли эди. Сўммаси 50 млн. долл. гача бўлган лойиҳалар Марказий банк розилигига кўра амалга оширила бошланди. 50 млн. долл.дан ортиқ сўммага баҳоланган инвестицион лойиҳалар учун эса Корея Республикаси хориж инвестициялари бўйича комиссиясининг қарори талаб қилинади.

1998 йилда Корея Республикасида ODI ни тартибга солувчи янги қонун қабул қилинди. Унга кўра хориждаги барча соҳалар Жанубий Корея инвесторлари учун очиқ деб эълон қилинди ва молия органлари қарори талаб қилинмайдиган инвестиция чегараси деб 50 млн. долл. гача бўлган лойиҳалар белгиланди. Янги қонунчиликда фақат баъзи чекловлар сақланиб қолingan: маҳаллаий компаниялар томонидан хорижда йирик кўчмас мулк объектлари билан операциялар амалга ошириш, шу жумладан хорижда ер сотиб олиш таъқиқланган, жисмоний шахслар томонидан хорилга капитал олиб чиқишига қўйилган чекловлар сақланиб қолган.

Шунинг билан бирга Корея Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги қуйидаги ҳолларда резидентлар ва норезидентлар томонидан хорижга олиб чиқиш ва олиб кириш операцияларини тўлиқ ёки қисман тўхтатиб қўйиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолди:

- агар бундай операциялар мамлакат тўлов балансига хавф солса;
- миллий валюта айирбошлаш курси кучли беқарорлиги шароитида;
- агар хориж капиталининг мамлакатга оқиб келиши ёки кетиши маҳаллий валюта ва фонд бозорларини беқарорлаштира

Қайд эитб ўтиш лозимки, бундай операциялар мораторийига олиб келувчи экспорт –импортни давлат томонидан назорат қилиш механизмини ҳукумат ҳатто иқтисодий кризис давом этаётган даврларда ҳам қўлламади.

Корея Республикаси фирмалари инвестициялари асосан қайта ишлаш саноатига йўналтирилди. Бу соҳага умумий ODI нинг 53% фоизи тўғри келади.

Яқин вақтларгача хорижга инвестициялар чиқарувчи корпорацияларга давлат томонидан молиявий ёрдам кўрсатиш тизими муваффақиятли қўлланиб келинди. Корея Республикаси фирмалари учун давлат манбаларидан фойдаланиш, уни расмийлаштириш жараёнининг қийинлигига қарамадан, хориж молиявий институтларидан воситаларни жалб қилишга нисбатан маъқулроқ эди. Жанубий Корея тижорат банклари эса иқтисодий кризис сабабли Жанубий Корея фирмаларининг инвестицион лойиҳаларини кредитлайдиган аҳволда эмас эди. ODI ни давлат томонидан қўллаб қувватлашнинг йўналишларидан бири Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш корпорациясининг кредитлари бўлиб, у асосан ишлаб чиқаришда фойдаланилган ускуналарни хорижга етказиб беришни кредитлаш мақсадларида берилади. Корея нефть корпорацияси ҳам фойдали қазилмаларни қидириш ва қайта ишлаш бўйича хорижий инвестицион лойиҳаларни мақсадли имтиёзли кредитлаш ҳуқуқига эга.

Давлат суғуртаси тизими ва солиқ имтиёзлари Корея корпорацияларининг хорижга инвестицияларини рағбатлантиришда муҳим роль ўйнайди. Бу ерда гап қўйилаётган воситаларни Корея экспортни суғурта қилиш корпорациясида суғурта қилиш (инвестиция суммасининг 90% игача) имконияти ҳақида бормоқда.

Экспорт

1999 йилнинг бошларида Корея Республикаси экспортининг 16 хил асосий категориялари (пўлат маҳсулотлари, симлар, рангли кинескоплар, фармацевтика препаратлари, фотоплёнкалар, хотира чиплари ва б.) АҚШ томонидан антидемпинг таъсирига олинди. Ваҳоланки, бу товарларнинг бири – хотира чиплари бўйича АҚШ ҳатти – ҳаракатларининг антидемпинг қоидаларига тўғри келмаслиги ҳақида ХСТ (Халқаро савдо ташкилоти) нинг қарори мавжуд. Корея Республикасининг АҚШга экспортида бу товарлар 10% ни ташкил қилади.

Шунинг билан бирга АҚШ Корея Республикасидан қурилиш ишлари, киномахсулотлар, гўшт бозорларини очишни ва пўлат ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимидан воз кечишни талаб қилди. 1999 йил февралда Корея Республикасига АҚШ нинг икки делегацияси АҚШ дан гўшт импорт қилиш квоталарини кўпайтириш, унга қўйилган тарифларни камайтириш, импорт қилинган гўштни мамлакат ичида сотиш тизимини ўзгартириш талаби билан келишди.

III БОБ. КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

3.1 Корея Республикасининг ташқи савдо структураси таҳлили.

Умумжаҳон иқтисодиётининг қайта тикланиши ва юқори технологик маҳсулотлар, автомобиллар ва кemasозлик саноати маҳсулотлари экспортининг ҳаддан ташқари ўсиши муносабати билан Корея ўз экспортини аввалгидек рекорд даражада салаб қолишга эришди. Корея экспорти 2004 йилда 254.2 млрд. долл. ни ташкил қилди, бу эса 2003 йилга нисбатан 30% га ортиқдир. Импорт эса ушбу даврда 26% га ўсди ва 224.5 млрд. долл. ни ташкил қилди. Шундай қилиб, 2004 йилда ташқи савдо мусбат сальдоси рекорд даражага етди ва 29.7 млрд. долл. га етди. 2004 йил натижаларига кўра Корея Республикаси экспорт бўйича 9, импорт бўйича 13-ўринни эгаллади.

2005 йилнинг дастлабки 2 оyi давомида 2004 йил охирига нисбатан миллий валюта вон курсининг ўсиши ва Корея экспорт бозорларидаги ноқулай шароит пайдо бўлиши каби салбий омиллар таъсирида экспортнинг ўсиш суръатлари пасайди. Прогнозларга кўра, 2005 йилда Корея экспорти 2004 йилга нисбатан 12% га ўсади ва 285 млрд. долл.га етади. Импортнинг ўсиши эса 15% ни ташкил этган ҳолда 257 млрд.долл.га етади.

4-жадвал

Корея Республикаси ташқи савдо динамикаси

	Экспорт		Импорт		Баланс
		% ўзгариш		% ўзгариш	
1998	132,3	-2.8	93,3	-35.5	39,0
1999	143,7	8.6	119,8	28.4	23,9
2000	172,3	19.9	160,5	34.0	11,8
2001	150,4	-12.7	141,1	-12.1	9,3
2002	162,5	8.0	152,1	7.8	10,3
2003	193,9	19,3	178,8	17,6	15,0
2004	254,2	30.0	224,5	26.0	29,7
2005 янв.- фев.	42,8	12,4	37,6	11,5	5,2

Бундай юқори ўсиш суръатлари 5 та асосий маҳсулот позицияларига асосида эришилади: яримўтказгичлар, симсиз системалар учун коммуникация воситалари, компьютерлар ва кemasозлик маҳсулотлари.

Юқори технологик сектор маҳсулотлари экспортида яримўтказгичлар ва телекоммуникация ускуналари экспортидаги каби 2004 йил давомида ўсиш анъанаси кузатилди ва 75 млрд. долл.ни ташкил қилган. Автомобил секторидаги экспорт ҳамда компьютерлар сектори экспорти ҳам 2003 йилга нисбатан 39.5% ва 41.2% га ўсди. Кема экспорти 38.1% га ўсган. Енгил саноат маҳсулотлари экспорти бу сектордаги Хитой ва бошқа Осиё давлатларининг агрессив экспорт сиёсати натижасида пасайган. 2005 йилдан бошлаб текстил саноати маҳсулотлари бозоридаги квоталаш тизимининг бекор қилиниши бу пасайишнинг давом этишига сабаб бўлиши мумкин.

5-жадвал

Корея экспортининг структураси

	2003			2004			2005 (янв.-фев.)		
		%ўзг .	ҳисс а %		%ўзг .	ҳисс а %		%ўзг .	ҳисс а %
Умум. экспорт	193, 9	19,3	100,0	254, 2	31,0	100,0	42, 8	12,4	100,0
Оғир саноат	164, 5	22,4	84,8	221, 4	34,6	87,2	38, 6	15,9	90,0
○ Кимё	18,7	22,8	9,6	25,2	34,9	9,9	4,8	35,6	11,1
Нефт кимёси	18,5	28,6	9,5	27,2	42,8	10,7	4,9	45,9	11,8
○ Металлар ва пўлат	9,3	31,4	4,8	13,4	44,2	5,3	2,7	41,5	6,2
○ Рангли металлар	2,8	24,6	1,4	4,1	47,3	1,6	0,6	15	1,5
○ Электроник а	77,4	21,8	40,0	100, 4	29,6	39,5	16, 2	6,1	37,7
Маиший техника	12,6	17,2	6,5	15,5	22,9	6,1	2,4	-1,2	5,7
Электрон қисмлар (яримўтказ.)	26,2	17,8	13,5	34,4	31,2	13,5	5,9	17,9	13,8

Саноат электр. маҳ. (моб. телефонлар, Компъ. ва эҳт. қисмлар)	35,9	27,3	18,5	46,8	30,5	18,4	7,2	-1	16,7
○ Ноэлектр н усқун.	11,8	27,1	6,1	16,9	43,1	6,6	2,9	18,1	6,9
○ Автомоб.	19,1	29,4	9,9	26,6	39	10,5	4,6	32,1	10,7
○ Автомоб. эҳт. қисмлари	4,2	56,3	2,2	5,9	40,2	2,3	0,9	20,1	2,2
○ Кемалар	11,3	4,3	5,8	15,7	38,1	6,2	3,9	9,2	9,1
Енгил саноат	24,1	-0,3	12,4	25,6	6,2	10,1	3,7	3,7	8,6
○ Пластик маҳсулотлар	2,6	13,9	1,3	3,3	28,2	1,3	0,5	18,1	1,2
○ Шиналар	1,6	13,7	0,8	1,9	22,6	0,8	0,4	24,5	0,8
○ Тери ва мўйна маҳсулотлари	1,1	-8,1	0,5	1,1	-2,7	0,4	0,1	-17,7	0,2
○ Текстиль	15,3	-2,7	7,9	15,2	-0,4	6,0	2,0	-6,2	4,6
Хом-ашё	5,3	32,8	2,7	6,9	30,1	2,7	0,6	-53,8	1,4

Маълумки, Корея Республикаси хом-ашё импортига, айниқса, энергия ташувчилар ва ишлаб чиқариш воситалари импортига кучли боғлиқ давлат. Хом-ашё импорти 2004 йилда 117.7 млрд. долл. ни, ишлаб чиқариш воситалари импорти эса 81.1 млрд. долл. ни ташкил этди, бу ўз навбатида бутун импортнинг мос равишда 52.4% ва 36.1% и демакдир. Истеъмол товарлари импорти эса 23.3 млрд. долл. ни бутун импортнинг 10.4% ини ташкил қилди. Корея иқтисодиётининг спецификасидан келиб чиққан ҳолда экспортнинг ўсиш анъанаси хом-ашё ва эҳтиёт қисмлар импортининг ошишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. 2004 йилда ишлаб чиқариш маҳсулотлари импорти 2003 йилга нисбатан 21.2% , хом-ашё ва эҳтиёт қисмлар импорти эса 31.5% га ошган.

Охириги пайтларда Корея Республикасига Японидан саноат усқуналари, яримўтказгичлар, пўлат, электроника маҳсулотлари ва автомобиллар учун

бутловчи қисмлар импорти сезиларли даражада ошган бўлса, Хитой Халқ Республикасидан электроника, текстил, қишлоқ хўжалиги ва пўлат маҳсулотлари импортининг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда.

6-жадвал

Корея Республикаси импорти структураси (млрд.долл.)

	2003			2004			2005 (янв.-фев.)		
		%ўзг. .	ҳисса %		%ўзг. .	ҳис са %		%ўзг. .	ҳис са %
Умумий импорт	178,8	17,6	100,0	224,5	25,5	100,0	37,6	11,5	100,0
Хом-ашё	89,5	17,7	50,1	117,7	31,5	52,4	20,0	12,5	53,3
Ишлаб чиқариш воситалари	66,9	18,7	37,4	81,1	21,2	36,1	13,7	12,4	36,5
Истеъмол товарлари	21,1	12,1	11,8	23,3	10,5	10,4	3,6	7,9	9,7
Қишлоқ хўжалиги, ўрмончилик, балиқчилик маҳс.	13,2	6,3	7,4	14,6	10,8	6,5	2,3	6,3	6,1
Минерал ресурслар	45,1	20,9	25,2	58,2	29,3	25,9	9,6	4,3	25,6
Нефть	23,1	20,2	12,9	29,9	29,6	13,3	5,1	18,0	13,6
Нефть маҳс.	6,0	20,5	3,3	6,9	14,4	3,1	1,1	-3,9	2,8
Табиий газ	5,1	23,3	2,8	6,6	28,9	2,9	1,4	9,6	3,8
Металл рудалари	5,9	39,2	3,3	7,7	30,1	3,4	0,9	-42,1	2,4
Кимё саноати маҳс.	19,9	14,3	11,1	24,5	23,4	10,9	4,3	17,8	11,5
Текстил саноати маҳс.	5,9	3,7	3,3	6,4	7,8	2,8	0,9	-4,0	2,4
Калава	1,3	-8,6	0,8	1,5	8,7	0,7	0,2	-16,8	0,6
Мато	1,4	-3,4	0,8	1,4	4,5	0,6	0,2	1,1	0,6

Тайёр маҳс.	3,1	13,9	1,7	3,3	9,3	1,5	0,5	0,6	1,2
Металл ва пўлат маҳс.	15,3	26	8,5	24,3	59,2	10,8	4,5	35,8	12,0
Машина ускун.	22,8	19,7	12,7	29,0	27,4	12,9	5,4	26,0	14,3
Электр ва электрон жиҳоз.	48,7	18	27,2	57,5	18,1	25,6	9,1	4,8	24,3
Саноат электр усукун.	14,4	12,4	8,1	18,1	25,1	8,0	2,8	3,3	7,5
Электр. қисмлар	26,5	20,7	14,8	29,9	12,7	13,3	4,7	3,7	12,5
Маиший электротехн.	3,5	16,2	2,0	4,0	14,0	1,8	0,6	-0,1	1,6
Мураккаб электрон. қурилма.	3,1	13,3	1,7	4,0	27,8	1,8	0,7	17,9	1,8

АҚШ кўп йиллардан буён Корея Республикасининг энг йирик ташқи савдо ҳамкори бўлиб келди, аммо кейинги пайтда ўнинг ўрнини Хитой Халқ Республикаси эгалламоқда. Корея Республикасининг ХХР билан савдо ҳажми 2004 йилда 79.4 млрд долл.га (Корея Республикаси умумий савдо айланмасининг 16.6%) етди. Ундан кейинги ўринларда АҚШ (71.6 млрд.долл. ёки 14.9%), Япония (67.8 млрд.долл ёки 14.1%), Гонгконг (4.4%), Тайвань (3.5%) ва Германия (3.5%) жой олган. 7 ўринда турган Саудия Арабистони билан савдо айланмаси 2004 йилда 13.5 млрд.долл. ни ташкил қилган.

Корея Республикасига экспорт қилиш бўйича энг йирик савдо ҳамкори Япония бўлиб, 2004 йилда бу мамлакатдан импорт ҳажми 46.1 млрд долл.ни (20.5%) ташкил этган. Ундан кейин ХХР (29.6 млрд.долл. ёки 13.1%), АҚШ (28.8 млрд.долл. ёки 12.8%) жой олган.

7-жадвал

Энг йирик савдо ҳамкорлари билан товар айланмаси (млрд.долл.)

	2003 йил	2004 йил	2005 йил янв.- февр.
--	----------	----------	-------------------------

Давлат	Эксп.	Имп.	Баланс	Эксп.	Имп.	Баланс	Эксп.	Имп.	Баланс
ХХР	35.1	21.9	13.2	49.8	29.6	20.2	8.6	5.5	3.1
АҚШ	34.2	24.8	9.4	42.8	28.8	14.0	6.4	5.1	1.3
Япония	17.3	36.3	-19.0	21.7	46.1	24.4	3.6	7.3	-3.7
Гонконг	14.7	2.7	12.0	18.1	3.3	14.8	2.2	0.3	1.9
Тайвань	7.1	5.9	1.2	9.8	7.3	2.5	1.7	1.1	0.6
Германия	5.6	3.7	1.9	8.3	8.5	-0.2	1.8	1.4	0.4
С.Арабистони	1.4	9.3	-7.9	1.7	11.8	-10.1	0.3	1.9	-1.6
Австралия	3.3	5.9	-2.6	3.4	7.4	-4.0	0.5	1.3	-0.8
Сингапур	4.6	4.1	-0.5	5.7	4.5	1.2	0.9	0.7	0.2
Малайзия	3.9	4.3	-0.4	4.5	5.7	-1.2	0.7	1.0	-0.3
БАА	2.2	5.8	-3.6	2.6	7.3	-4.7	0.5	1.2	-0.7
Буюк Британия	4.1	2.7	1.4	5.5	3.8	1.7	0.7	0.5	0.2
Россия	1.7	2.5	-0.8	2.3	3.7	-1.4	0.4	0.5	-0.1

Россия Корея Республикасининг МДХ давлатлари орасидаги энг йирик савдо ҳамкори саналади. Икки давлат ўртасидаги товар айланмаси 2004 йилда 38% га ўсди ва 6 млрд.долл.ни ташкил қилди. Россия Корея Республикасидан асосан автомобиллар ва унга бутловчи қисмлар (35%), полиэтилен, пластик ва бошқа нефть кимёси маҳсулотлари (20%), ускуналар (13%), маиший техника, озиқ-овқат маҳсулотлари, текстил маҳсулотлари ҳамда металл ва пўлатдан тайёрланган маҳсулотларни импорт қилади.

Ўз навбатида Корея Республикасининг Россиядан импорти хом-ашё характерига эга бўлиб, пўлат эритиш ва металлургия саноати учун хом-ашё (29%), кўмир, нефть ва бошқа минерал хом-ашё (24%), алюминий, никель, денгиз маҳсулотлари, ёғоч ва минерал ўғитлар импорт қилади. Ҳозирги пайтда Россия томонидан Корея Республикасига илмий қурилмалар, медицина ва авиакосмик саноати корхоналари учун титан маҳсулотлари етказиб бериш масалалари устида иш олиб борилмоқда.

Жаҳон бозорида нефть нархининг кўтарилиб бораётганлиги ва Корея Республикасининг нефть импортига 100% боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда Жанубий Корея компаниялари энергия ташувчиларининг янги манбаларини

қидириб Россия бозорларига борган сари чуқурроқ кириб бормокдалар. Бунинг натижаларидан бири сифатида жорий йилда Корея миллий нефть корпорацияси ва “Роснефть” компаниялари томонидан Ғарбий Камчатка шельфида қидирув ишларини олиб бориш ҳақидаги оралиқ молиявий битимнинг тузилишини келтириш мумкин.

8-жадвал

МДХ давлатлари билан товар айланмаси (млн. долл.)

	2004 йил			2005 йил янв.-февр.		
Давлат	Эксп.	Имп.	Баланс	Эксп.	Имп.	Баланс
Россия	2339.3	3671.5	-1332.2	440.9	526.3	-85.4
Украина	493.2	583.5	-90.3	89.9	69.4	20.5
Қозоғистон	313.9	204.0	109.9	56.1	19.1	37.0
Қирғизистон	50.2	3.0	47.2	9.9	0.3	9.6
Туркменистон	14.1	0.16	13.9	1.2	0.01	1.2
Озарбайжон	19.1	0.6	18.5	4.1	0.0	4.1
Беларусия	16.9	3.6	13.3	2.2	0.6	1.6
Грузия	5.6	4.5	1.1	0.9	0.1	0.8
Тожикистон	4.9	4.7	0.2	1.8	0.5	1.3
Арманистон	2.2	0.0	2.2	0.1	0.0	0.1

Қозоғистон учун Корея Республикаси асосий савдо ва инвестицион ҳамкорлардан бири бўлиб, Корея Республикаси компаниялари томонидан Қозоғистонга киритилган бевосита инвестициялар ҳажми 155 млн.долл.га тенг. Умумий ҳисобда 47 та лойиҳа амалга оширилган бўлиб, улардан энг йириги Қозоғистонда маиший электрон техника ишлаб чиқаришга мўлжалланган “LG Electronics” заводининг қурилишидир. Икки давлат ўртасидаги товар айланмаси 2004 йилда 518 млн.долл.ни (Қозоғистонга импорт 314 млн. долл., экспорт 204 млн.долл.) ташкил қилди.

Қозоғистонга Корея Республикаси экспортининг ярмидан кўпроғини (51%) радиоэлектрон аппаратуралар, 27% ини маиший техника, 9% ини автомобиллар, 3.5% ини полиэтилен, пластик ва бошқа нефть кимёси маҳсулотлари, 2.2% ини пўлат эритиш саноати маҳсулотлари ташкил қилади.

Корея Республикаси ва бошқа МДХ давлатлари ўртасидаги савдо муносабатлари бошланғич босқичларда бўлиб Корея Республикаси экспортининг катта фарқ билан устунлигига асосланган.

3.2 Корея Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар

Институционал ҳамкорлик. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 ноябрдаги №452 ф қарори билан Ўзбекистон – Корея Савдо ва иқтисодий ҳамкорлик бўйича комиссия таъсис этилди. Ўтган давр мобайнида савдо ва иқтисодий ҳамкорлик бўйича кўшма комитетларнинг тўртта мажлиси бўлиб ўтди. Охирги мажлис 2003 йил декабрда Сеул шаҳрида бўлиб ўтди. Томонлар бир неча марта бизнес – семинарлар, тақдимотлар, кўргазмалар, ярмаркалар ва конференциялар ташкил этишди ҳамда икки давлат ҳудудидаўтказилган кўплаб халқаро тадбирларда қатнашишди.

Икки томонлама алоқаларнинг ривожланиши. 1992 йил июнда Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида имзоланган Савдо шартномасига кўра икки давлат ўртасидаги савдо муносабатларида максимал маъқуллаш режимига амал қилинади.


Корея Республикаси Ўзбекистоннинг савдо ҳамкорлари орасида олдинги ўринлардан бирини эгаллайди.

Узоқ хориж мамлакатлари орасида Корея Республикаси етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. 2002-2005 йилларда Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги товар айланмаси ҳажми бошқа узоқ хориж мамлакатлари кўрсаткичларидан юқори эди. 2007 йилда Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги товар айланмаси ҳажми 600 млн.АҚШ долл.ни ташкил этди.

Бу даврда экспортнинг асосий категорияларини пахта толаси (51.8%), матолар, пахта калавалар (22.3%) ва хизматлар ташкил қилди. Импорт таркиби эса қуйидагича бўлди: ер усти транспорти ва унга эҳтиёт қисмлар (71.8%), пластмасса ва пластмасса буюмлар (6.4%), механик ускуналар (4.4%), текстил материаллар (2.5%), электр ускуналар (2.1%), мебель (2%), оптик ускуналар ва қурилмалар (1.4%), каучук ва резина маҳсулотлар (1.1%), қора металллар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар (1.1%) ҳамда хизматлар (3%).¹


¹ Манба: ЎзР Ташқи Ишлар Вазирлиги ҳисоботи

Расм 2. Ўзбекистонга Корея маҳсулотлари экспорти таркибининг ўзгариши
(импорт жами=100%)



манба: Корея Республикаси миллий статистик агентлигининг сайт www.nso.go.kr

Расм 3. Корея Республикасига Ўзбекистон маҳсулотлари экспорти таркибининг ўзгариши
(экспорт жами=100%)



манба: Корея Республикаси миллий статистик агентлигининг сайт www.nso.go.kr

Корея Республикасидан Ўзбекистон Республикасига қилинган импортнинг асосий қисмини “ЎзДэуАвто” қўшма корхонасида ишлаб

чиқарилаётган автомобиллар учун бутловчи ва эҳтиёт қисмлар ташкил қилади. “Узавтопром” ассоциацияси ва “GM Daewoo” компаниялари ўртасида имзоланган битимдан келиб чиқиб Корея Республикасидан бутловчи ва эҳтиёт қисмлар импортининг 2005 йилда янада ўсиши кутилмоқда. 2005 йилнинг биринчи икки ойи натижаларига кўра икки мамлакат ўртасидаги товар айланмаси ҳажми 2004 йилнинг шу давридагига нисбатан 65.2% га ўсди ва 110.2 млн. долл. ни ташкил қилди (экспорт – 10.2 млн. долл., импорт – 100 млн. долл.).

Корея Республикаси божхона хизматининг маълумотиغا кўра 2004 йилнинг натижаларига кўра икки мамлакат ўртасидаги товар айланмаси 2003 йилга нисбатан 30% га ошган ва 436 млн. долл. ни ташкил қилган (шундан Ўзбекистоннинг Корея Республикасига экспорти 2003 йилга нисбатан 2.5% га қисқарган ва 76.9 млн. долл. ни ташкил қилган, Корея Республикаси маҳсулотларини Ўзбекистонга импорт қилиш 45% га кўпайган ва 359.1 млн. долл. ни ташкил қилган).

Инвестицион– молиявий ҳамкорлик. Ҳозирги пайтга келиб Иқтисодий ривожланиш бўйича ҳамкорлик фонди (EDCF) доирасида Ўзбекистонга берилган кредитлар ҳажми 72.5 млн. долл. ни ташкил қилмоқда. Бу маблағлар куйидаги лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилган:

- республика телекоммуникация тармоқларини ривожлантиришга ҳаммаси бўлиб 12.4 млрд. вон (10.5 млн. долл.). лойиҳани амалга ошириш 2002 йилда якунланган.
- республика коллежларини ўқув жиҳозлари билан таъминлашга умумий сўммаси 35 млн. долл.. Лойиҳа 2002 йилнинг октябрида якунланган.

2004 йилнинг январ ойида Корея Республикаси ҳукумати Ўзбекистонда касб таълимини ривожлантириш учун иккинчи сўммаси 27 млн. долл. бўлган имтиёзли кредитни ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ушбу лойиҳа бўйича кредит шартномаси 2004 йил августда Корея Республикаси Эксимбанк президентининг Ўзбекистонга ташрифи давомида имзоланган. Ҳозирги пайтда ушбу лойиҳанинг техник деталлари ишлаб чиқилмоқда. Бундан ташқари Корея Республикаси Экспорт – импорт банки томонидан

қуйидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун молиявий воситалар ажратилган:

“ЎзДэуАвто” қўшма корхонаси да янги модель қаторини яратиш бўйича лойиҳа. Лойиҳа сўммаси 62.6 млн. долл. бўлиб, унда автомобилларнинг янги модели – “Матиз” ни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш кўзда тутилган. Лойиҳани амалга ошириш якунланган.

10 та ипак йигириш корхоналарини техник қайта жиҳозлаш лойиҳаси. Лойиҳани амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.04.2001 №193 қарорига асосан бошланган. Лойиҳанинг умумий сўммаси 15 млн. долл. Эскимбанк кредити ҳисобидан бўлиб, ҳукумат кафиллиги ва 2.25 млн. долл “Ўзбекипаги” ассоциациясининг ўз воситаларидан шакллантирилган.

Техник ҳамкорлик.Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) орқали Корея Республикаси ҳукумати техник кўмаги доирасида фаол ҳамкорлик ривожлантирмоқда. Ўзбекистон Республикасида KOICA вакиллиги Корея Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси таркибида 1995 йилдан буён фаолият юритмоқда.

Ўзбекистоннинг KOICA билан ҳамкорлиги асосан қуйидаги 5та соҳада амалга оширилмоқда: ускуна ва материаллар етказиб бериш, стажерлар тайёрлаш, волонтерлар, экспертлар ва тиббий персонални жўнатиш.

1992 йилдан буён Ўзбекистонга KOICA дастурлари доирасида кўрсатилган молиявий ёрдам ҳажми 11.6 млн. долл.га етди. 1996 йилдан буён KOICA томонидан Ўзбекистонга 3.7 млн. долл.лик ускуналар етказиб берилган.

Бугунги кунда KOICA дастурлари доирасида махсус амалиётларни ўташ учун Корея Республикасига 550 та Ўзбекистоннинг вазирлик ва бошқа муассасалари вакиллари таклиф қилинган.

1995 йилдан буён KOICA Ўзбекистонга ўз волонтерларини жўнатмоқда. Жанубий Корея волонтерлари асосан Ўзбекистоннинг турли олий ўқув юртлари ва тил марказларида корейс тили ўқитувчилари сифатида фаолият юритмоқдалар. Ҳозирги пайтгача Ўзбекистонга 130 дан ортиқ Жанубий Корея волонтерлари жўнатилган.

KOICA билан ҳамкорликда 1996 йилдан буён Ўзбекистонга корейс тили ўқитувчилари сифатида, гуруч етиштириш соҳалари мутахассислари сифатида ва таэквандо кураши инструкторлари сифатида 18 та Жанубий

Корея экспертлари жўнатилган. 2003 йилда KOICA томонидан Тошкент шаҳар ҳокимияти қошида Ахборот технологияларини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон – Корея ўқув марказини яратиш учун 700 минг АҚШ долл. миқдорида маблағ ажратилди. Бу марказ 2004 йил 29 июлда ўз ишини бошлади.

2005 йилда режалаштирилаётган техник ёрдам ҳажми 2.2244 млн. долл. ни ташкил этади ва бундан 600 минг долл. Ўзбекистон Республикаси миллий геологик кадастрини яратиш лойиҳасига йуналтирилиши мўлжалланган.

Корея Республикасининг “Onnuri Welfare Association” хайрия ташкилотининг гуманитар ёрдами доирасида Ўзбекистонга 2004 йилда умумий сўммаси 1 млн. долл. дан ортиқ бўлган кийим –кечак жўнатилди. 2005 йилнинг бошида ушбу ташкилот томонидан Ўзбекистонга умумий сўммаси 3.518 млн. долл. бўлган гуманитар юк жўнатилди.

Корея Республикаси капитали иштирокидаги корхоналар.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг маълумотлар базасига кўра 01.04.2005 ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 160 та Жанубий Корея капитали иштирокидаги корхона қайд этилган. Шулардан 129 таси, шу жумладан, 106 та қўшма корхоналар ва 23 та 100% Жанубий Корея капитали иштирокидаги корхоналар фаолият юритмоқда.

Аккредитация қилинган ваколатхоналар

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасида 30 та Жанубий Корея компаниялари аккредитация қилинган. Бундай корхоналар, асосан, экспорт – импорт операцияларини амалга ошириш, транспорт хизматлари кўрсатиш, текстил саноати, электроникага хизмат кўрсатиш каби соҳаларда фаолият юритмоқда.

3.2. Навоий Эркин индустриал-иқтисодий зонасининг ташкил этилиши ва ривожланишида Корея Республикаси иқтисодиётининг иштироки

Ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланиши инвестицияларни узлуксиз амалга оширишни талаб қилади. Иқтисодиётимизнинг жадал ривожланиши - энг асосий омиллардан бири бўлган - инвестиция сиёсатига боғлиқдир. Инвестиция сиёсатининг самарадорлигини таъминлаш иқтисодиётнинг устивор йўналишлари ва ҳозирги кун талабига жавоб берадиган мукаммал инвестиция дастурларини ишлаб чиқишни талаб этади.

Навоий вилоятида Президентимизнинг 2008 йил 2 декабрдаги “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида”ги Фармонининг бугунги кундаги ўрни ва аҳамияти каттадир. Амалга оширилаётган инвестицион лойиҳалар мисолида бунинг аҳамиятини кўришимиз мумкин².

Статистик маълумотларга кўра, Навоий вилояти бўйича 2010 йилда хорижий инвестицияларини жалб этиш Дастурига 11 та лойиҳа киритилган бўлиб, бу лойиҳалар бўйича йил давомида 24.4 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилиши режалаштирилган эди, ҳисобот йили якунида 28. миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилиб, режа 115.6 фоизга бажарилди. 2007 йилнинг мос даврида 3.6 миллион АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилган бўлиб, жорий йилда ўтган йилга нисбатан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш 277.2 фоизга ўсиши кузатилди ёки 10.2 миллион АҚШ долларини ташкил этди³.

Шунингдек “2007-2009 йилларда инвестицияларни кенгроқ жалб этиш орқали ишлаб чиқаришни ривожлантириш, экспорт салоҳиятини ошириш ва қўшимча иш ўринларини яратиш Дастури” бўйича 2007 йилнинг 17 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан тасдиқланган, 02-19-205-сонли “2007-2009 йилларда инвестицияларни кенгроқ жалб этиш орқали ишлаб чиқаришни ривожлантириш, экспорт салоҳиятини ошириш ва қўшимча иш ўринларини яратиш Дастури”га умумий қиймати 11190.0 минг АҚШ доллари ва 16744.2 миллион сўмлик жами 42 та лойиҳа киритилган.

Дастурга биноан, 2008 йилда 10402.5 минг АҚШ доллари ва 7723.8 миллион сўм миқдоридаги 19 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Шундан 8 та лойиҳа тўлиқ амалга оширилган бўлиб, бугунги кунда махсулот ишлаб чиқармоқда. Бу лойиҳалар бўйича ишларни “Кармана мой инвест” МЧЖ, “Омад бизнес Зарафшон” МЧЖ, “Қизилтепа қурилиш сервис” МЧЖ, “Қурилиш савдо” МЧЖ, Навои голд пласт” ХК, “Зарафшон овози” МЧЖ, “Навоий корпет” ХК, “Ортомедфармсервис” ИЧТК

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона (ЭИИЗ) ташкил этиш тўғрисида” 2008 йил 2 декабрдаги ПФ-4059 сонли Фармони

³ Навоий вилояти статистика бошқармасининг 2006-2009 йиллардаги маълумотлари

корхоналари махсулот ишлаб чиқара бошлашди. 4 та лойиҳа “Навбахор текс” ЧЭЖ ва “Қизилқуменгилсаноат” МЧЖ, “Навоийулгуржисавдо” МЧЖ (жамият негизида “Кармана гипс махсулотлари” ҚҚси ташкил этилди), “Қизилқум селикат” ҚҚ лойиҳалари тўлиқ молиялаштирилди ва лойиҳа ишга туширилди. Қолган 7 та лойиҳадан 2 таси қисман молиялаштирилган, ва “Таъмирлаш қурилиш монтаж” ИЧҚсининг шифер ишлаб чиқариш лойиҳаси ташаббускорнинг шахсий маблағлари ҳисобидан қурилиш ишлари молиялаштирилиб, якунланган. Аммо банк муассасидан ускуна учун кредит олиш масаласи кредит фоизлари юқорилиги учун ташаббускор томонидан рад жавоби берилган ва бошқа манбалар изланиши бошланган. Ушбу лойиҳалар доирасида 2008 йил якунига кўра, жами 6283.7 минг АҚШ доллари ва 5041.3 миллион сўмлик инвестициялар киритилиб, 1144.5 миллион сўмлик махсулот ишлаб чиқарилди ва 321 та янги ишчи ўринлари яратилган.


2009 йил 1 январ ҳолатига Навоий вилоят ташқи савдо айланмаси 924.6 миллион АҚШ доллари бўлиб, ўтган 2008 йилнинг шу даврига нисбатан 101.9 фоизни ташкил этди, ёки 38.7 миллион АҚШ долларига кўпайди. Вилоят ташқи савдо айланмасида экспортнинг улуши 59.8 фоизни, импорт эса мос равишда 40.1 фоизни ташкил этди.

2010 йил давомида Навоий вилоятининг ташқи савдо айланмаси 922,1 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 108,5 фоизни, шу жумладан экспорт 548,7 миллион АҚШ долларини ва импорт 373,4 миллион АҚШ долларини (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 111,2 фоиз ва 104,7 фоиз) ташкил қилди. Ҳисобот даврида Навоий вилояти жаҳоннинг 86 мамлакати билан ташқи савдо операцияларини амалга оширди ва 20 мамлакат билан ижобий сальдога эга бўлди. 2010 йилда вилоятнинг асосий капиталининг кўпайтиришга 1611,7 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўсиш суръати 2009 йилга нисбатан 247,0 фоизни ташкил қилди. (1-расмга қаранг)

Вилоят бўйича ташқи савдо айланмаси ижобий сальдоси 175,3 миллион АҚШ долларини, шу жумладан МДҲ давлатлари билан салбий 240,0 миллион АҚШ доллари, бошқа хориж мамлакатлари билан ижобий 682,1 миллион АҚШ долларини ташкил қилди⁴.

⁴ Навоий вилояти статистика бошқармасининг 2006-2009 йиллардаги маълумотлари

Навоий вилоятининг 2006-2010 йиллардаги ташқи савдо айланмаси ҳажмининг ўзгариши (млн АҚШ долл.)



Навоий вилоятининг ташқи савдо айланмаси⁵


2009 йил 1 январ ҳолатига жами 553,4 миллион АҚШ доллари миқдорида экспортга маҳсулот чиқарилиб, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 102,8 фоизни ташкил этган. Жумладан: узоқ чет мамлакатларга 427,0 миллион АҚШ доллари ва Мустақил Ҳамдўстлик давлатларига 126,3 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинди.

Экспорт таркибида ўтган йилга нисбатан, пахта маҳсулотлари 139,5 фоизга, озиқ-овқат маҳсулотлари 1,9 баробарга, хизматлар 2,4 борбарга, бошқа турдаги маҳсулотлар 112,4 фоизга ўсди. Бироқ кимёвий маҳсулотлар 95,6 фоизни, қора ва рангли металллар 36,9 фоизни ташкил қилган.

Юқорида қайд этилган 2-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, умумий экспорт таркибида маҳсулотлар улуши яъни, кимёвий маҳсулотлар 64,6 фоизни, пахта толаси 7,0 фоизни, озиқ-овқат маҳсулотлари 1,9 фоизни, хизматлар 0,5 фоизни, бошқа турдаги маҳсулотлар 25,9 фоизни, қора ва рангли металллар эса 0,1 фоизни ташкил қилган.

⁵ Навоий вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган


2-расм.



Умумий экспорт таркибида маҳсулотлар улуши. (фоизда)

2009 йил 1 январ ҳолатига импорт ҳажми 371.2 миллион АҚШ долларини ташкил қилиб, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 100.4 фоизга ошган. Бунда, Мустақил Ҳамдўстлик давлатларидан 191.1 миллион АҚШ долларлик ва узоқ чет эл давлатларидан 180.1 миллион АҚШ долларлик маҳсулот Навоий вилоят корхоналари томонидан импорт қилинган.

3-расм



Умумий импорт таркибида маҳсулотлар улуши (фоизда)

Импорт таркибида ўтган 2010 йилда 2009 йилга нисбатан озиқ-овқат маҳсулотлари 118.4 фоизга, хизматлар 155.3 фоизга, кимёвий маҳсулотлар 105.7 фоизга, машина ва асбоб ускуналар 121.9 фоизга, бошқа турдаги маҳсулотлар 108.1 фоизга ўсган.

Навоий вилоятида 2009 йил 1 январ ҳолатига жами 40 та чет эл инвестицияси иштирокидаги қўшма корхоналар рўйхатга олинган бўлиб, ушбу қўшма корхоналарнинг амалда 39 таси фаолият кўрсатмоқда.

Қўшма корхоналарнинг экспорт ҳажми 63.0 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 114.5 фоизга ўсган бўлса, 2009 йил 1 январ ҳолатига қўшма корхоналарнинг импорт ҳажми аввалги йилнинг шу даврига нисбатан 56.9 фоиз бўлиб, 23.2 миллион АҚШ долларини ташкил қилган.

Навоий шаҳри халқаро аэропорти яқинидаги ҳудудда ташкил этилаётган ЭИИЗ натижасида 2009-2010 йилларда вилоятни мажмуали ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурида кўзланган 395,6 миллион АҚШ доллар, 14 минг евро ва 538,7 миллиард сўмлик 214 та инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш имконияти пайдо бўлади⁶.

Ҳар хил турдаги эркин иқтисодий ҳудудларнинг умумий жиҳати бўлиб, божхона, молиявий, солиқ имтиёзлари ва тадбиркорлар учун яратилган қулай иқтисодий тизимга эга бўлган инвестиция муҳити ҳисобланади. Муайян имтиёз ва рағбатлантиришлар турли мамлакатлар бўйича миқдорий жиҳатлари билан фарқланади, мазмуни бўйича эса, одатда, ўхшаш.

Имтиёзларни асосий тўртта гуруҳга ажратиш мумкин:

- Ташқи савдо имтиёзлари. Уларда ўзига хос божхона-тариф тизимининг амал қилиниши назарда тутилади (экспорт-импорт божларининг камайтирилиши ёки умуман олиб ташланиши), ундан ташқари ташқи савдо операцияларининг соддалаштирилган тартиби қўлланилади;

- Солиқ имтиёзлари. Тадбиркорлик фаолиятининг аниқ турлари бўйича солиқ рағбатларини амалга ошириш. Солиқ базаси (фойда, мол-мулк баҳоси ва бошқалар.), солиқ базасининг таркиблари (амортизация ажратмалари, иш ҳақи ушланмалари, транспорт, илмий конструкторлик

⁶ Раҳматов Б.Б., Бақоев Х.Н. Эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш йўналишлари. “Кончилик хабарномаси”, 4-сон, 2009 йил

ишлари), солиқ ставкалари даражасининг пасайтирилиши ёки маълум вақт мобайнида солиқлардан тўла озод қилиш каби имтиёзлар қўлланилади;

- Молиявий имтиёзлар. Бу имтиёзлар коммунал хизматлари учун тўловларни, ердан ва ишлаб чиқариш хоналаридан фойдаланиш ижара тўловларини пасайтириш ҳамда имтиёзли кредит ва ссудаларни тақдим этиш каби турли шаклдаги субсидияларни ўз ичига олади;

- Мамурий имтиёзлари. Рўйхатга олишни соддалаштириш, виза масалаларини тезкорлик билан ҳал этиш ва яна шу каби турли хил хизматлар бўйича кўрсатиладиган енгиллик ва қулайликларни ўз ичига олади. Лекин ушбу имтиёзлар ҳамма вақт ҳам чет эл инвестициялари кириб келишини таъминлай олмайди. Бу имтиёзлардан ташқари, сиёсий барқарорлик, инвестиция кафолатлари, инфраструктуранинг сифати, ишчи кучининг малакаси, ресурслар таъминоти ва бошқа шу каби омиллар ҳам катта таъсир кўрсатади. Бу омиллар мавжудлиги шароитида асосий эътибор ҳудудлар бўйича бериладиган имтиёзларга қаратилади.

Иқтисодиётнинг давлат ва нодавлат секторлари доирасида инвестиция фаолиятини олиб бориш ва инвестиция киритишни ривожлантириш учун ҳукуватимиз томонидан бир қанча тадбирлар амалга оширилиб келмоқда. Бундай тадбирлар охирги пайтда ўзини амалдаги натижасини кўрсатди. Жумладан Навоий вилоятида амалга оширилаётган ислохотлар бунинг яққол мисолидир. Навоий вилоятида амалга оширилган модернизациялаш жараёни нафақат вилоят аҳолисига, қолаверса Республикамиз аҳолисига ва бюджет даромадларини ҳамда бозор инфратузилмасини тобора кенгайтишига катта ёрдам беради.

ХУЛОСА

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Корея япон асоратидан қутилди. Мамлакат икки қисмга ажратилгач қадимдан ўрнашиб қолган алоқалар узилди ва бу иқтисодий жараёнларнинг янада пароканда бўлишига олиб келди. Япония урушда ютқазгандан сўнг ташлаб кетган капитални денационализация қилиш асосида “эркин бозор иқтисодиётини яратиш” орқали иқтисодиётнинг индустриаллашуви учун замин тайёрланди. Ривожланиш жараёнида Корея Республикаси ҳукумати кўплаб ривожланаётган мамлакатлар йўл қўйган қишлоқ хўжалиги зарарига индустриаллашувга ортқча баҳо бериш, оғир саноатни енгил саноатдан устувор деб билиш каби хатоларга йўл қўймади. Бошқача қилиб айтганда, бу мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш стратегияси шунда эдики, иқтисодий ривожланишнинг бир босқичидан бошқасига ўтишда шундай кетма-кетликка риоя қилиндики, бунда олдинги босқич ўзидан кейинги босқич учун капитал тўпланиши, ишчи кучи инфраструктураси ва б. нуқтаи назаридан замин тайёрлаб берарди. Давлат даромадларини кўпайтириш мақсадида солиқ қонунларига ўзгартиришлар киритилди: давлат муассасалари хизматчилари иш ҳақини ошириш ва темир йўл, алоқа хизмати ҳамда давлат монополияларни хўжалик ҳисобига ўтказиш орқали бюджет мувозанати принципи йўлга қўйилди.

1961 йилдан бошлаб, Пак Чжон маъмурияти иқтисодий ривожланишнинг янги стратегиясини танлади. Хусусий ташаббусни рағбатлантириш ва миллий хусусий-капиталистик укладни мустаҳкамлаш бу стратегиянинг асосий мақсадлари деб эълон қилинди. Шундай қилиб, Жанубий Корея иқтисодиётнинг давлат сектори ролини абсолютлаштиришни бартараф этди. Енгил саноатнинг ривожлантирилиши аввалига илгари импорт қилиб келинган маҳсулотлар билан ички бозорни тўлдириш, кейинчалик эса бу маҳсулотларни экспорт қилиш имконини берди.

1960 йилдан бошлаб Корея Республикасида мамлакатни камбағалликдан қутқарувчи бирдан-бир восита индустриализация деб ҳисоблай бошлашди. Ички бозорнинг чекланганлиги ва хориж валютасининг сурункали етишмаслиги сабабли ҳукумат иқтисодиётни экспортга йўналтириш орқали иқтисодиётнинг ўсиш потенциалини оширди ва бу орқали индустриализация жараёнини тезлаштирди. Бунинг учун экспортни молиявий қўллаб қувватлаш тизими ёрдамида экспорт фирмаларини қисқа ва

узоқ муддатли молиялаш амалга оширилди. Ҳукуматнинг ҳомийлиги остида Корея Республикаси экспортининг ҳажми 1961 йилдан 1986 йилгача 40 млн. долл. дан 60 млрд.долл гача ўсди.⁷ Жамғармаларни кўпайтириш, экспортни кенгайтириш, миллий капитал қўйилмалар билан бир қаторда чет эл хусусий капитал қўйилмаларини қўллаб қувватлаш ҳамда чет эл инвестиция ва технологияларини жалб қилиш мақсадида ҳукумат томонидан сиёсий характердаги кўплаб тадбирлар амалга оширилди, қонунлар қабул қилинди ва мавжуд қонунлар қайта кўриб чиқилди. Давлат субсидиялар ва ҳар хил кредит имтиёзлари бериш орқали экспортчи ишлаб чиқарувчиларга турли имкониятлар яратарди. Қайд этиб ўтиш керакки, кредитлар, асосан, саноатнинг энг самарали ва устувор деб ҳисобланган соҳаларига ажратилган. саноатнинг 7 та соҳаси устувор ривожлантириш йўналишлари сифатида белгилаб қўйилди:

- машинасозлик
- электроника
- текстил саноати
- қора металлургия
- рангли металлургия
- нефть кимёси
- кemasозлик

Шунингдек, Жанубий Корея ҳукумати томонидан чет эл капиталини ҳам катъий назорат қилинди. Қайд этиб ўтиш керакки, 1967-1986 йиллар давомида чет эл бевосита капитал қўйилмалари умумий капитал қўйилмаларининг 2% дан камроғини ташкил этган. Жанубий Корея ҳукумати ҳар қандай чет эл инвестицияларини эмас, балки фақат мамлакат умумий ривожланиш стратегиясига мос келадиган инвестицияларни мамлакатга жалб этиш сиёсатини юритмоқда. Шу сабабдан Жанубий Кореяга киритилган чет эл инвестицияларининг 1/3 қисмидан кўпроғи кимё, машинасозлик ва электроника каби устувор деб белгилаб олинган соҳаларда тўпланган.

1997-1998 йиллардаги Осиё молиявий кризиси, авваламбор, молиявий оқимларнинг глобаллашувининг оқибатидир. Бу кризис Шарқий ва Жанубий-Шарқий Осиёдаги “янги индустриал давлатлар” (Индонезия, Таиланд, Жанубий Корея, Малайзия, Филиппин) иқтисодиётига жуда кучли таъсир

⁷ Син Хён Хвак. Кўрсат. адаб. 21- бет.

ўтказди. Улар жаҳон молиявий тизимига қўшилган бўлсалар-да, молиявий ресурсларни қандай таклиф қилинган бўлса, шундайлигича қабул қилишга тайёр эмас эдилар. Кризис, айниқса, Жанубий Корея иқтисодиётининг кўплаб миллий менталитетга боғлиқ бўлган нозик, ўзига хос томонларида намоён бўлди. 70-йилларнинг бошларидаёқ бир неча МСГ монополияларга айланишган эди, 80-йилларнинг охирларида эса Жанубий Корея ЯММ нинг 40%, экспортнинг 50% ва саноатда банд бўлганларнинг 4% бундай МСГ дан тўрттасининг (Hyundai, Samsung, Lucky Goldstar ва Daewoo) ҳиссасига тўғри келар эди.⁸

Осиё молиявий кризиси дастлаб валюта бозорида бошланди, кейин капитал бозорига ўтди ва шундан кейин иқтисодиётнинг реал секторига зарба берди.

80-йиллардан бошлаб Жанубий Корея иқтисодий сиёсати чэт эл инвестицияларини жалб этиш билан бир қаторда мамлактга замонавий чет эл технологияларини киритишга ҳам йўналтирилган эди. Баъзи сабабларга кўра замонавий технологияларни ўзлаштириш ҳажми ўзлаштирилган қарз ресурслари ва бевосита капитал қўйилмалар ҳажмидан кам бўлса-да бу технологияларнинг Жанубий Корея иқтисодиётини ҳозирги даражага кўтаришда, унинг индустриаллашувида жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Харид қилинган, бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган техника воситалари орасида транспорт воситалари, электр қурилмалар ва аппаратлар асосий қисмни ташкил қилар эди. Одатда, бундай харидлар орқали технологик жараёнлардан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам қўлга киритиларди. Борган сари бундай ускуналарга талаб кучайиб борди ва ўз навбатида нафақт техниканинг ўзига, балки “know how”га ажратмалар ҳажми ҳам ўсиб борди. Мамлакат учун мутлақо янги бўлган ишлаб чиқариш соҳаларини яратиш замонавий технологияларга бўлган талабнинг кескин ошиб кетишига олиб келди бу эса ўз навбатида чет элдан “know how”нинг оқимининг кучайишига сабаб бўлди. Фақат 1962-1982 йиллар давомида Жанубий Корея билан ривожланган капиталистик давлатлар ўртасида техника воситалари ва “know how” харид қилиш тўғрисида умумий сўммаси 681 миллион АҚШ долларини ташкил қилувчи 2281 та шартнома рўйхатга олинган ва бу шарномалар

⁸ Мансуров А. Ю., Михеев В. В. Финансово-промышленные группы в экономике Южной Кореи // Проблемы Дальнего Востока. 1988. №4. 40-бет.

сўммаси шу давр мобайнидаги бевоситаинвестицияларнинг 47,7% ни ташкил қилган.

Корея Республикаси қонунчилигида бевосита хориж инвестицияси хорижликларнинг акцияларни сотиб олиш ёки узоқ муддатли қарз бериш орқали корхоналар бошқарувида иштирок этиш ҳуқуқини олиш билан боғлиқ корпоратив фаолияти сифатида белгилаб қўйилган. Хориж инвестициясини жалб қилишдан асосий мақсад мамлакатнинг рақобатбардошлигини оширишдир. 1960 йилда “Хориж инвестициясини жалб қилиш ҳақидаги қонунчилик акти” қабул қилингандан то яқин вақтларгача инвестицияларни жалб қилиш сиёсати, асосан, инвестицион соҳаларни кенгайтириш, инвестицион процедураларни соддалаштириш, солиқларни қисқартириб, хориж инвесторларига ҳар хил имтиёзлар беришга қаратиб келинди. Хориж капитали қатнашган фирмалар ҳар қандай ҳажмдаги инвестицион қарзларни жалб қилиши мумкин эди. Бу қарзлар ишлаб чиқариш воситалари импортига ишлатилиши керак эди.

БХИ ни жалб қилишга йўналтирилган молиявий ислохотлар қуйидаги тадбирларни ўз ичига олди: “валюта корридори”нинг бекор қилиниши, фоиз ставкаларининг ўсишига қўйилган чекловларнинг бекор қилиниши, Жанубий Корея компаниялардаги хориж иштирокининг йўл қўйиладиган чегарасининг 26% дан 55%гача оширилиши, давлат, махсус ва корпоратив облигациялар билан операцияларга қўйилган чекловларнинг бекор қилиниши, хориж банклари ва брокерлик уйларида Корея Республикасида ўз бўлимларини очиш ҳуқуқининг берилиши, хорижий инвесторлар учун номолия ташкилотлари акциялари бозорининг очилиши, барча тижорат банклари фаолиятининг таҳлил қилиниши ва 14 та тижорат банкдан лицензияларнинг олиб қўйилиши.

Умумжаҳон иқтисодиётининг қайта тикланиши ва юқори технологик маҳсулотлар, автомобиллар ва кemasозлик саноати маҳсулотлари экспортининг ҳаддан ташқари ўсиши муносабати билан Корея ўз экспортини аввалгидек рекорд даражада салаб қолишга эришди. Юқори ўсиш суръатлари 5 та асосий маҳсулот позицияларига асосида эришилади: яримўтказгичлар, симсиз системалар учун коммуникация воситалари, компьютерлар ва кemasозлик маҳсулотлари.

Юқори технологик сектор маҳсулотлари экспортида яримўтказгичлар ва телекоммуникация ускуналари экспортидаги каби 2004 йил давомида

ўсиш анъанаси кузатилди ва 75 млрд. долл. ни ташкил қилган. Автомобил секторидаги экспорт ҳамда компьютерлар сектори экспорти ҳам 2003 йилга нисбатан 39.5% ва 41.2% га ўсди. Кема экспорти 38.1% га ўсган. Енгил саноат маҳсулотлари экспорти бу сектордаги Хитой ва бошқа Осиё давлатларининг агрессив экспорт сиёсати натижасида пасайган.

Охирги пайтларда Корея Республикасига Японидан саноат ускуналари, яримўтказгичлар, пўлат, электроника маҳсулотлари ва автомобиллар учун бутловчи қисмлар импорти сезиларли даражада ошган бўлса, Хитой Халқ Республикасидан электроника, текстил, қишлоқ хўжалиги ва пўлат маҳсулотлари импортининг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Россия Корея Республикасининг МДХ давлатлари орасидаги энг йирик савдо ҳамкори саналади.

1992 йил июнда Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида имзоланган Савдо шартномасига кўра икки давлат ўртасидаги савдо муносабатларида максимал маъқуллаш режимида амал қилинади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 ноябрдаги №452 ф қарори билан Ўзбекистон – Корея Савдо ва иқтисодий ҳамкорлик бўйича комиссия таъсис этилди.

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг савдо ҳамкорлари орасида олдинги ўринлардан бирини эгаллайди.

2004 йилда Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида товар айланмаси 408.7 млн. долл. га етди (экспорт – 56.8 млн.долл., импорт – 351.9 млн. долл.). Бу эса 2003 йилги кўрсаткичнинг 141% ини ташкил қилади.

Бу даврда экспортнинг асосий категорияларини пахта толаси (51.8%), матолар, пахта калавалар (22.3%) ва хизматлар ташкил қилди. Импорт таркиби эса қуйидагича бўлди: ер усти транспорти ва унга эҳтиёт қисмлар (71.8%), пластмасса ва пластмасса буюмлар (6.4%), механик ускуналар (4.4%), текстил материаллар (2.5%), электр ускуналар (2.1%), мебель (2%), оптик ускуналар ва қурилмалар (1.4%), каучук ва резина маҳсулотлар (1.1%), қора металллар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар (1.1%) ҳамда хизматлар (3%).⁹ Корея Республикаси божхона хизматининг маълумотида кўра 2004 йилнинг натижаларига кўра икки мамлакат ўртасидаги товар айланмаси 2003 йилга нисбатан 30% га ошган ва 436 млн. долл. ни ташкил қилган (шундан

⁹ Манба: ЎзР Давлат статистика комитети ҳисоботи

Ўзбекистоннинг Корея Республикасига экспорти 2003 йилга нисбатан 2.5% га қисқарган ва 76.9 млн. долл. ни ташкил қилган, Корея Республикаси маҳсулотларини Ўзбекистонга импорт қилиш 45% га кўпайган ва 359.1 млн. долл. ни ташкил қилган).

Ҳозирги пайтга келиб Иқтисодий ривожланиш бўйича ҳамкорлик фонди (EDCF) доирасида Ўзбекистонга берилган кредитлар ҳажми 72.5 млн. долл. ни ташкил қилмоқда.

Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) орқали Корея Республикаси ҳукумати техник кўмаги доирасида фаол ҳамкорлик ривожлантирмоқда. Ўзбекистоннинг KOICA билан ҳамкорлиги асосан қуйидаги 5та соҳада амалга оширилмоқда: ускуна ва материаллар етказиб бериш, стажерлар тайёрлаш, волонтерлар, экспертлар ва тиббий персонални жўнатиш.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг маълумотлар базасига кўра 01.04.2005 ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 160 та Жанубий Корея капитали иштирокидаги корхона қайд этилган. Шулардан 129 таси, шу жумладан, 106 та қўшма корхоналар ва 23 та 100% Жанубий Корея капитали иштирокидаги корхоналар фаолият юритмоқда.

Жаҳон иқтисодиёти билан бир қаторда Корея Республикаси иқтисодиётида ҳам 2004 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб ўсиш суръатининг секин пасайиши кузатилмоқда. Корея иқтисодиётининг асосий ҳаракатлантирувчиси бўлган экспортнинг ўсиш суръати 41.9% дан йил охирида 23% гача қисқарди. Улгуржи ва чакана савдолар ҳажми мос равишда 1.5% ва 1.7%га қисқарган. Истеъмол товарлари нархларининг баланлигича сақланиб туриши ва ишсизлик даражасининг юқори кўрсаткичлари истеъмол талабининг тикланишига тўсиқ бўлмоқда.

Экспорт ўсиш суръатининг секинлашиши ва ички талаб стагнацияси иқтисодиёт ўсиш суръатининг йилнинг биринчи ярмида 5.4% дан йил охирида 4.0% гача пасайишига сабаб бўлган.

2005 йилда ҳукумат, албатта, миллий иқтисодиётни қайта тиклаш учун чоралар кўриши тайин, аммо иқтисодий пасайишнинг давом этиши мумкинлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Иқтисодий кўтарилишга тўсиқ бўлиши мумкин бўлган кўплаб ички ва ташқи омиллар мавжуд. Иқтисодий ўсишга фақат ҳозирги пайтда жуда паст бўлган истеъмол талабини фаоллаштириш орқалигина эришиш мумкин. 2005 йилда ҳукумат олдида

ички истеъмол талабини фаоллаштириш вазифаси турибди. Ўз навбатида бу муаммони ҳал қилишга меҳнат бозорининг беқарорлиги, катта ва кичик бизнес орасидаги жуда катта узилиш ва шунингдек жамиятнинг табақаланганлиги каби тўсиқлар мавжуд.

Прогнозларга кўра аҳоли кредит карточкалари бўйича қарзларни реструктуризациялаш жараёни тугалланиши учун 1.8 – 3.7 йил талаб қилинади ва бу жараён 2006 йил ўрталарида тугалланади. 2005 йил давомида уй хўжаликлари ўз даромадларининг катта қисмини кредит карточкалар бўйича қарзларни тўлашга сарфлайдилар, натижада уларнинг нақд даромадлари анча камаяди.

Ҳукумат ўзи ва бутун аҳоли олдида 2005 йилни иқтисодий сакраш йили қилиш вазифасини қўйди. Маълумки, истеъмол талаби кучайтирилмаса бу вазифа бажарилмай қолиши мумкин. Қайд этиб ўтиш керакки, юқорида санаб ўтилган нефть нархининг юқорилиги ва АҚШ доллари курсининг пастлиги каби иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни эътиборга оладиган бўлсак бу вазифанинг бажарилиши анча оғир кечиши мумкин.

Бундан ташқари, агар истеъмол талабини оширишга эришилса, ташқи омилларнинг салбий таъсирини етарлича камайитириш имконияти туғилади. Бошқа томондан, агар АҚШ доларинин миллий валютага нисбатан курси пасайишда давом этса миллий валюта мустаҳкамланиб боради ва натижада экспортчи корхоналар даромади камаяди. Иқтисодий ўсишга эришишнинг яна бир йўли мавжуд бўлиб, у аҳолининг харажатларини ички бозордаги нархларни барқарорлаштириш орқали рағбатлантиришдан иборат.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари ва Президент асарлари.

1. Каримов И.А. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. 19.01.2012 й.- Т.: Ўзбекистон. 2012. – 36 бет.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Т.: «Ўзбекистон», 2011.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. – Т.: Ўзбекистон. 1993. – 54 бет.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли. – Т.: Ўзбекистон. 1993. – 128 бет.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон. 1995. – 269 бет.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон XX аср бўсағасида. Хавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари – Т.: Ўзбекистон. 1997. – 326 бет.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Навоий вилоятида эркин индустриал–иқтисодий зона (ЭИИЗ) ташкил этиш тўғрисида” 2008 йил 2 декабрдаги ПФ-4059 сонли Фармони

II. Махсус адабиётлар.

8. Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения: Учебник. – М.: Юрист, 2001 – 386с.
9. Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Внешнеэкономические связи: Учебное пособие для студентов, обучающихся по экономическим специальностям. – М.: Финансы и статистика, 2000 – 542с.
10. Дак Ву Нам “Опыт экономического развития Республики Корея в условиях рыночной системы”
11. Данько Т.П., Окрут З.И. Свободные экономические зоны в мировом хозяйстве: Учебное пособие для вузов. – М.: Инфра - М, 1998 – 168с.
12. Жуков С.В. "Роль государства в сотворении "южнокорейского чуда"
13. Киреев А. Н. Международная экономика: Учебное пособие для вузов Ч1: Международная микроэкономика: движение товаров и факторов производства. – М.: Финансы и статистика, 1999 – 245с.

- 14.Кругман П.Р. Обстфельд М. Международная экономика: теория и политика: учебник для вузов: пер. с англ. – М.: ЮНИТИ, 1997 – 799с.
- 15.Ку Бон Хо “Экономика Кореи: структурное урегулирование в целях экономического роста”
- 16.Ли Мен Бак. Чудес не бывает. Сеул: издательство Ewhan, 2009 г. 312с.
- 17.Ломакин В.К. Мировая экономика: Учебник для вузов. – М.: Финансы: ЮНИТИ, 1998 – 727с.
- 18.Миклашевская Н.А., Холопов А.В. Международная экономика: Учебник / под общ. ред. А.В. Сидоровича. – М.: Дело и сервис, 1998 – 272с.
- 19.Мировая экономика: экономика зарубежных стран: Учебник для студентов экономических специальностей вузов / Авдокушин Е.Ф., Бойченко А.В., Железова Ю.Ф., под ред. Колесова В.П. – М.: Флинта, 2000 – 480с.
- 20.Мировая экономика: введение во внешнеэкономическую деятельность: учебное пособие для студентов вузов / Елова М.В.,
- 21.Муравьева Е.К. и др. под ред. А.И. Журкалина. – М.: Логос, 2000 – 248с.
- 22.Овчинников Г.П. Международная экономика: Учебное пособие для вузов – СПб.: Полиус, 1998 – 620с.
- 23.Рыбалкин В.Е., Щербанин Ю.А., Болдин Л.В. Международные экономические отношения: Учебник для студентов экономических специальностей – М.: ЮНИТИ – ДАНА, 2000 – 503с.
- 24.Сергеев П.В. Мировое хозяйство и международные экономические отношения на современном этапе: Учебное пособие по курсу “Мировая экономика” – М.: Юнити, 1998 – 176с.
- 25.Экономика зарубежных стран: Капиталистические и развивающиеся страны: Учебник для вузов. – М.: ЮНИТИ, 1998 – 369с.
- 26.Шипаев В.И. “ Южная Корея в системе мирового капиталистического хозяйства”
- 27.Навоий вилояти статистика бошқармасининг 2006-2009 йиллардаги маълумотлари

3. Илмий мақолалар


- 28.Корея: новые горизонты. / доклады, представленные на IX научной конференции корееведов России и стран СНГ. Москва, 2005г.
- 29.Муминов Н.Г., Мелибаева Г.А. Особенности финансовой системы Республики Корея // Экономика и финансы. №4, 2010, С. 68-70.

- 30.Раҳматов Б.Б., Бақоев Ҳ.Н. Эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш йўналишлари. “Кончилик хабарномаси”, 4-сон, 2009 йил
- 31.Чон Дэ Ван. Экономическое сотрудничество между Кореей и Узбекистаном: тенденции и перспективы // Экономика и финансы. №3, 2011, С. 70-77.
- 32.Чон Дэ Ван. Экономическое сотрудничество между Кореей и Узбекистаном: тенденции и перспективы // Экономика и финансы. №10, 2011, С. 9-16.
- 33.Чун Ен Ан. Открытая политика и промышленное развитие Южной Кореи. В кн. Торговая политика и значение вступления в ВТО для развития России и стран СНГ: руководство. Под редакцией Д.Тарра. Всемирный Банк. Издательство «Весь Мир». Москва, 2006.

4. Интернет сайтлари

- 34.www.korea.ru
- 35.www.samsungresearch.com
- 36.www.southkorea.gov
- 37.www.worldbank.com

Расм 1. Корея Республикасининг экспорт-импорт статистикаси
(АҚШ млрд. долл.)



манба: Korea International Trade Association

жадвал 1.

Импорт географияси (%)

1994	1995	1996	1998	2004	2010
Япония 26%	Япония 24%	АҚШ 22%	АҚШ 22%	АҚШ 12,9%	Хитой 16,8%
АҚШ 24%	АҚШ 22%	Япония 21%	Япония 18%	Япония 20,6%	Япония 15,1%
ЕИ 15%	ЕИ 13%	ЕИ 13%	Хитой 7%	Хитой 13,2	АҚШ 9,5%
			Саудия Арабистони 3%	Саудия Арабистони 5,3%	Саудия Арабистони 6,3%
			Австралия 2%		Австралия 4,8%


Экспорт географияси (%)

1994	1995	1996	1998	2004	2010
АҚШ 26%	АҚШ 19%	АҚШ 17%	АҚШ 17%	АҚШ 17%	Хитой 25,1%
Япония 17%	Япония 14%	ЕИ 13%	Япония 9%	Япония 8,6%	АҚШ 10,7%
ЕИ 14%	ЕИ 13%	Япония 12%	Хитой 9%	Хитой 19,6%	Япония 6%
			Гонконг 7%	Гонконг 7,1%	Сянган 5,4%
			Тайвань 4%		Сингапур 3,3%

Расм 2.Экспорт (%)

манба: Korea International Trade Association

Расм 3.Импорт (%)



манба: Korea International Trade Association

жадвал 3

Объёмы экспорта и импорта между Южной Кореей и Китаем, Южной Кореей и Японией (в млн. долл. США):


йўналиш	1990	1995	2000	2005	2007	2009	2010
Корея Республикаси - Хитой	585	9 144	18 455	61 915	81 985	86 703	116 838
Хитой - Корея Республикаси	2 268	7 401	12 799	38 648	63 028	54 246	71 574
Корея Республикаси - Япония	12 638	17 049	20 456	24 027	26 370	21 771	28 176
Япония - Корея Республикаси	18 574	32 606	31 828	48 403	56 250	49 428	64 296

манба: Korea International Trade Association

КРда ТТХИ динамикаси (млн.АҚШдолл.)

йил	АҚШ	Япония	Гонконг	Германия	Буюк британия	Франция	бошқ.	жами
1985	364,3	59,9	13,4	11,3	12,3	5,1	65,9	532,2
1990	317,5	235,9	3	62,3	44,8	22,4	116,6	802,6
1995	644,9	418,3	58	44,6	86,7	35,2	659,5	1947,2
1997	3189,6	265,7	84,6	398,1	258,6	410,7	2363,6	6970,9
2000	2922	2448	123	1599	84	607	7433,6	15216,7
2002	4500	1403	234	284	115	111	2454	9101
2003	1240	541	55	370	871	150	3241	6468
2004	4717,6	2258,1	90,1	487	642	180	4899,8	12787,6
2005	2689,8	1787,8	819,7	704,8	2307,8	85,2	3168,4	11563,5
2007	2660,0	1888,0	512,2	510,8	3200,8	71,0	4160,4	13001

Расм 4. Ўзбекистоннинг узоқ хориж мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси динамикаси (млн. АҚШдолл.)



ма

нба: www.uzinfoinvest.uz

**Корея Республикаси экспортининг товар таркиби
(2010 й.)**

Умумий ва махсус машинасозлик	43 %
Транспорт воситалари	22 %
Кимё товарлари	12,5 %
Металл маҳсулотлари	9,5 %
ёқилғи	7 %
Электр ускуналари, теле- ва радиоаппаратура	24 %
Ер транспорти воситалари	11,5 %
Механик ускуналар ва техника, компьютерлар	11,2%
Кемалар	10%
Оптика, ускуналар, медицина техникаси	8,1%
Пластмассалар	5,1%
қора металллар	4,7%
Органик бирикмалар	3,6%

**Корея Республикаси импортининг товар таркиби
(2010 й.)**

Умумий ва махсус машинасозлик	30%
Кимё товарлари	11%
Металл маҳсулотлари	12%
ёқилғи	29%
Электр ускуналари, теле- ва радиоаппаратура	14,8%
Ер транспорти воситалари	1,9%
Механик ускуналар ва техника, компьютерлар	11,2%
Оптика, ускуналар, медицина техникаси	3,5%
Пластмассалар	2,3%
қора металллар	5,8%
Органик бирикмалар	2,9%
Рудалар	3,3%